

ЗАМОНАВИЙ РЕЖИССУРАДА БАДИИЙ АСАР ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ САҲНАВИЙ ТАЛҚИНИ



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Режиссёрлик санъати” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ ф.ф.н., доц. Умаров Маъмур

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан
тасдиқланган
ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

Тузувчи: ЎзДСМИ “Санъатшунослик ва маданиятшунослик”
кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди
М.Б.Умаров

Такризчилар: *Хорижий эксперт:* Борзу Абдуразаков – Тожикистон
давлат академик драма театри режиссёри.

Ж.Маҳмудов – ЎзДСМИ “Муסיқали, драматик
театр ва кино санъати” кафедраси профессори.

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	21
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	46
V.	КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	50
VI.	КЕЙСЛАР БАНКИ.....	53
VII.	ГЛОССАРИЙ.....	59
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	62

I. ИШЧИ ДАСТУР

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6000-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон, 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш,

махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

-“Режиссёрлик санъати (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

-“Режиссёрлик санъати (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Замонавий режиссурада бадиий асар таҳлили ва унинг сахнавий талқини” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- замонавий режиссурага– фан, техника ҳамда бадиий ривожланишнинг таъсирини;
- замонавий драматургиядаги янги тенденцияларнинг таҳлилин;
- театр ва кино санъатида – “Бадиий яхлитлик”нинг назарий асосларини;
- Ғарб ва Шарқ театрларидаги замонавий тенденцияларини;
- режиссурани ўқитишдаги илғор услублардан сахнавий атмосфера яратишни;
- режиссурадаги тўғри таҳлилнинг – сахнавий талқиндаги бадиий аҳамиятини;
- режиссёрнинг актёрлар ҳамда рассом, композитор ва техник ходимлар билан ижодий ҳамкорликда ишлашини;
- замонавий ва тарихий мавзулардаги спектаклларни сахналаштиришда инновацион усуллардан фойдаланиш масалаларини;
- замонавий режиссурада техник воситаларни қўллаш услубларини;
- шоу-бизнес йўналишида режиссёрлик маҳоратини;
- режиссуранинг инновацион шакллари ва сахналаштиришнинг замонавий жараёнларини *билиши* лозим.

Тингловчи:

- XXI аср театр санъатидаги ижобий ўзгаришларни “Режиссёрлик маҳорати” модули ўқитишида қўллашни тадбиқ этиш;
- хорижий адабиётлар таҳлилин таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- прогонлар таҳлили орқали ижодий жамоанинг бадиий қудратини ошириш усулларини ўрганиш;
- режиссёрлик санъати таълимида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибалардан фойдаланиш;
- синтезлашиш жараёнида режиссёрни актёрлар, рассом, композитор, балетмейстр ҳамда техник ходимлар билан ижодий ҳамкорликда ишлаши;
- Шекспирнинг театр бадиий раҳбарларига белгилаб берган тизимни амалиётга тадбиқ этиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- режиссёрлик маҳорати фанларини ўқитишда замонавий техник воситалардан фойдаланиш;
- режиссёрлик санъатининг турли жанрларида етук сахна асарлари яратиш тенденцияларини амалда қўллаш;
- режиссёрлик санъатида замонавий технологияларни қўллаш;
- Жанубий Корея санъат мактаби режиссёрлик маҳорати фанларини ўқитиш методикаси усулларида фойдаланиш;
- режиссуранинг инновацион тенденциялари ва сахналаштиришнинг замонавий услубларидан фойдаланиш;
- замонавий театр талаблари асосида иш юритиш бўйича *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- замонавий режиссуранинг асосий принципларини амалиётга қўллаш;
- машҳур режиссёрларнинг сахналаштириш услубларини ўз жамоасига тадбиқ этиш;
- режиссура санъатига замонавий техник воситаларни қўллаш услубларини тадбиқ этиш;
- режиссура (театр, кино ва телевидение, эстрада ва оммавий тамошалар) санъатида замонавий инновацион ғояларни қўллаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий режиссурада бадиий асар таҳлили ва унинг сахнавий талқини” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, аудио-видео ёзувларидан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, аклий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур модулнинг мазмуни ўқув режадаги “Санъатшунослик фанларини ўқитиш методикаси”, “Санъатшуносликнинг долзарб масалалари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Режиссёрлик санъати” (турлари бўйича) ва узвий ўзаро боғлиқ бошқа фанлар бўйича машғулотларни олиб бориш, уларнинг мазмунини янги, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Замонавий драматургиядаги янги тенденцияларнинг таҳлили	2	2		
2.	Режиссурадаги тўғри таҳлилнинг саҳнавий талқиндаги бадиий аҳамияти	4	4		
3.	Бадиий талқинда режиссёрнинг ва театр жамоасининг ижодий қудратини намоён бўлиши	4		4	
4.	Режиссура тарихида наъмуна даражасида эътироф этилган талқинлар таҳлили	4		4	
5.	Режиссёрлик маҳоратини ўқитишга илғор ҳорижий тажрибалар тадбиқи	2		2	
6.	Репертуарда режиссуранинг ҳамда театр жамоасининг бадиий имкониятларини намоён бўлиши	4			4
Жами: 20		20	6	10	4

Назарий машғулотлар мазмуни.

1-мавзу. Замонавий драматургиядаги янги тенденцияларнинг таҳлили

Замонавий драматургияда “мумтоз услуб” анъаналарини сақланиши. Еки уларни инкор қилиб, “ғоясизлик”ни намоён бўлиши. Замон талабидан келиб чиқиб, “замондош образи”ни яратиш масалалари. Касб эгалари мавзуси буюртма драматургияда етакчилик қилиши. Драматургияда комедия жанрига эҳтиёжини кучайиши.

2-мавзу. Режиссурадаги тўғри таҳлилнинг сахнавий талқиндаги бадий аҳамияти.

Режиссуранинг бош масаласи бўлган-тўғри таҳлилга замонавий ёндашув. Асардаги мавзулар сонини аниқлаш-режиссёр талқинининг асосидир. Мавзулар орасидаги энг долзарбига урғу бериш –режиссёр услубидир. Тўғри талқин томошабинни ғоявий даъватга англашига кўмаклашишдир.

Амалий машғулотлар мазмуни.

1- амалий машғулот. Бадий талқинда режиссёрнинг ва театр жамоасининг ижодий қудратини намоён бўлиши.

Спектаклнинг кўриги, аввало, мавзунинг долзарблигини, ғоянининг миллийлигини ёки умуминсонийлигини намоён қилади. Шунингдек театр махсулида синтезлашган санъат турлари бўлган режиссура актёрлик санъати нутқ, костюм, грим ва бутафориянинг талқинга мослигини кўрсатади. Хамкорликда яратилган спектакл-театр томошасининг ижодий қудратини намоён қилади.

2 - амалий машғулот. Режиссура тарихида намуна даражасида эътироф этилган талқинлар таҳлили.

Бадий яхлит спектаклларарата олган театр жамоаси ёки режиссёр ижоди тарих саҳифаларида қолган. Маннон Уйғур сахналаштирган “Гамлет” ёки “Навоий” си Етим Бобожоновнинг “Бой ила хизматчиси”, Тошхўжа Хўжаевнинг “Парвона” си Рустам Хамидовнинг “Қиёмат қарз”и, Баҳодир

Йўлдошевнинг “Келинлар қўзғолони” каби талқинлар тингловчилар томонидан таҳлил қилинади.

3- амалий машғулот. Режиссёрлик маҳорати фанини ўқитишга илғор хорижий тажрибалар тақбиғи.

Олий таълим тизимида теан санъати мактаблари тушунчаси. Кечинма санъати мактаби талаблари тушунчаси. Кечинма санъати талаблари. Намойиш этиш санъати мактаблари талаблари.

Кўчма машғулотлар мазмуни.

1-кўчма машғулот. Репертуарида режиссуранининг ҳамда театр жамоасининг бадиий имкониятларини намоён бўлиши.

Театр репертуарида режиссёр талқинини ҳамда театр жамоасининг бадиий имкониятларини намоён бўлишини амалий таҳлили

Тингловчилар гуруҳи билан, режага биноан, Тошкент шаҳридаги “Дийдор” театр – студиясига ташриф буюрилади. Театрдаги ижодий муҳит билан танишилади. Театр репертуаридаги спектаклнинг кўригини тингловчилар ““қоғоз ва қалам” билан томоша қилинади. Кўрикдан сўнг, ижрочилар ҳамда режиссёр билан ижодий жамоанинг бадиий имкониятлари муҳокама қилинади.

**II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА
Фойдаланиладиган
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ
МЕТОДЛАРИ**

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

SWOT таҳлил:

S – strength (кучли)

W – weakness (заиф)

O – opportunities (имкониятлар)

T – threatens (хатарлар)

Таҳлил қилиш учун 2x2 ўлчамдаги матрица тузилади:

S	W
O	T

Намуна Музейнинг рақобатли SWOT таҳлили

	Манфаатли омиллар	Манфаатсиз омиллар
Ички муҳит омиллари	<p>S – кучли томони.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Юқори малакали ходимлардан иборат жамоа. 2. Бошқа санъат муассасалари билан ўрнатилган манфаатли алоқалар. 3. Кўрғазмалар ташкил этишда инновацион шаклларни қўллаш. 	<p>W – заиф томонлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқарув жараёнининг салбий томонлари (сусткашлик). 2. Айрим мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги (м-н: маркетинг)
Ташқи муҳит омиллари	<p>O – имкониятлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўз экспонатининг ноёблиги бўйича музейнинг таниқлилиқ даражаси. 2. Деярли кучли рақобатнинг мавжуд эмаслиги. 3. Халқаро маданий алоқаларда қатнашиш имкониятлари. 	<p>T – хатарлар.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Объектив санъат талабининг пасайиб кетиши. 2. Ички рақобат: мутахассис кадрларнинг бошқа иш жойига ўтиб кетиши. 3. Ташқи рақобат: Кўплаб музей ва галереяларнинг мавжудлиги.

Хулосалаш (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби

- тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;
- тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисимлари туширилган тарқатма материалларни таркатади;
- ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;
- Навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу.

Намуна:

Галерея аудиториясини сегментлаш					
Даромадлари бўйича		Ёши бўйича		Жинси бўйича	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур

метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида тахлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига куйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерде (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи”ни амалга ошириш босқичлари

Иш Босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот тахлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони тахлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил эчим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни тахлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини тахлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади: Ф –фикрингизни баён этинг, С – унга сабаб кўрсатинг, М – мисол келтиринг, У- умумлаштиринг.

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини энгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Актёрлик	Томашабинларга асарда берилган воқеани тўлақонли етказишдаги маъсул шахс ижроси	
Режиссёра	Жамиятнинг кенг аудиторияси тўғридан алоқа ўрнатиб, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларига кўмаклашиш, оммани жалб қилиш	
Фильм ва спектакл	Маълум бир воқеага асосланган драматик ва ҳажвий сахна кўринишларга эга бўлган томошабинга маънавий озуқа берадиган сахна кўриниши ва телеэкран намойиши	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Венн диаграммасида ишлаш қоидалари:



“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топширик, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4.«Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ бўлса «0», мос келса «1» балл қуйиш

сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Замонавий драматургиядаги янги тенденцияларнинг таҳлили (2 соат)

Режа:

1.1. Замонавий драматургияда “мумтоз услуб” анъаналарини сақланиши ёки уларни инкор қилиб, “ғоясизлик”ни намоён бўлиши.

1.2. “Замондош образи”ни яратиш масалалари. Драматургияда комедия жанрига эҳтиёжини кучайиши.

Таянч иборалар: драматургия, тенденция, пьеса, томоша театри, спектакль, театр жамоаси, бадий асар даъвати, персонаж характери, ижодкорлик туйғуси.

1.1. Замонавий драматургияда “мумтоз услуб” анъаналарини сақланиши ёки уларни инкор қилиб, “ғоясизлик” ни намоён бўлиши.

Жаҳон мумтоз драмалари, хоҳ у Шарқ, хоҳ Ғарб драматургияси намуналари бўлсин, ҳар бир давр театри учун муҳим адабий озикдир. Чунки мумтоз асарларни сахналаштириш театр ижодий қиёфасини намоён этишдаги аҳамиятли жараён ҳисобланади.

Шунинг учун мамлакатнинг ҳар бир театри доимо ана шундай асарларни сахнага қўйишга интилади. Бизнинг заминга европа типдаги замонавий театр кириб келганидан то мустақиллик давригача Софокл, Шекспир, Гоцци, Шиллер, Мольер, Гольдони, Гоголь ва бошқа кўплаб жаҳон мумтоз драматургияси намояндаларининг асарлари ўзбек театри репертуарини бойитиб келди. Уларнинг асарлари асосидаги спектаклларда даврнинг ижтимоий ва мафкуравий қарашлари ўз аксини топди.

Ўз навбатида, мазкур сахна асарлари ўнлаб ўзбек театри ижодкорлари ва санъаткорларини баркамоллик чўққисига олиб чиқди. Юртимиз мустақилликка эришгач, театрларда жаҳон мумтоз драмаларига бўлган эътибор камайгани йўқ. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, республика театрлари комедия ва маиший мавзудаги драмаларни сахнага олиб чиқишга кўпроқ куч сарфлаётгани айни ҳақиқат.

Бироқ шундай маиший спектакллар фонида умуминсоний ғояларга эга хорижий мумтоз асарлар ҳам сахналаштирилмоқдаки, улар режиссурада ўзига хос изланишлар манбаига айланмоқда. Маълумки, театр – давр маҳсули.

Жаҳон мумтоз асарларининг сахна талқинига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашув талаб қилинади.

Хўш, шундай асарларнинг сахна талқини бугунги кун кишисини ўйлантираётган муаммоларни ўзида акс эттиряптими? 2002 йили Карло Гоццининг дунё театрларида камдан-кам сахна юзини кўрган «Қирол буғу» асари Республика Ёш томошабинлар театрида режиссёр Олимжон Салимов томонидан сахнага қўйилди. Европа маърифатпарварлик даври итальян театрининг ёрқин вакилларида бири Карло Гоцци ўз асарлари орқали нафақат маърифатпарварликка хос ақл-идрок ва ҳис-туйғуни мутаносиб ифода этиш, балки комедия дель арте анъаналарини янада ривожлантириш, замонавийлаштиришни мақсад деб билди.

Муаллифнинг трагикомик эртак жанридаги асарлари орасида «Қирол буғу» драмаси сеҳрли муҳити, қаҳрамонларининг кутилмаган қиёфа ўзгартиришлари билан ажралиб туради ҳамда севгининг юксак куч-қудрати ҳақида ҳикоя қилади. Режиссёр О.Салимов ёзувчи Тоҳир Малик ёрдамида асар матнини ўзбекчалаштириш устида кунт билан иш олиб борди.

Натижада «Икки мўъжиза» номли «Қайғули кулгу» жанридаги спектакль сахнага олиб чиқилди. Нега қайғули кулгу? Режиссёр иккиюзламачи ва ҳокимиятпараст Тартальянинг ёвуз мақсадини фош этаркан, унинг ўз жонига ўзи жабр бўлгани устидан кулади. Мазкур кулгини О.Салимов қайғули оҳангда ифодалаб, бу салбий қаҳрамоннинг мақсадига ўзгаларнинг тўкилган қони ва бахтсизлиги эвазига эришишга интилишида намоён бўлди.

Режиссёр спектаклда комедия дель артенинг ёрқин шаклларида фойдаланди, бу айниқса, актёрлар ижроси бадихагўйлик ва бўрттирма билан бойитилганида намоён бўлди, уларни О.Салимов ўзбек замонавий сахна санъати билан мувофиқлаштиришга ҳаракат қилди. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ушбу спектаклнинг асосий конфликтга айланди. Барча эртакларда бўлганидек, «Икки мўъжиза»да ҳам яхшилик ғолиб келади.

Режиссёр Тарталья образида манфур ниятини амалга ошириш учун кингир йўллар билан соф меҳр-муҳаббат туйғуси ҳамда шохлик мансабини ўзига бўйсундирмоқчи бўлган шахсни талқин этди. О.Салимов мазкур ролга Фарҳод Аминовни жалб қилди. Актёр ижросида бўрттириш орқали Тартальянинг ёвуз мақсадини яққол ифодалашга интилиш мавжуд. Унинг мунофиқлигини англатиб турувчи никоби ҳам қаҳрамон қалбидаги ваҳший ўй-қарашларни намоён этди. Булар режиссёрнинг дель арте никоблар ва масхарабозлик театрини сахнада акс эттириш мақсадига тўла мос тушди.

Ўз навбатида, Тарталья – Ф.Аминов иккиланувчан, пала-партиш ва кўрқоқ. Персонаж характеридаги ана шу заифлик унинг енгилишидаги асосий

омил бўлганини режиссёр ва актёр сахнада ифода этди. Аслида ҳам дель арте ниқобларининг жанубий (неаполь) квартетидан бири бўлган Тарталья майдон томошаларида асосан қуёнжорак қози сифатида гавдаланган. Бироқ уларнинг фарқи шундаки, италян халқ (ярмарка) театрида мазкур образ ижобий қаҳрамон бўлган бўлса, Гоцци уни ўз асарида салбий этиб ифодалади.

Режиссёр актёр М.Абдулхаиров кўмагида эса Труффальдино образини дель арте театри асл анъаналари ва услубига мос тарзда талқин этди. Труффальдино – М.Абдулхаиров ўзида комедия дель арте персонажлари бўлган Арлекин ва Пульчинеллага хос соддалик, тентаклик, ўз навбатида, кулгига бой жиҳатларини мужассам этди.

Режиссёр О.Салимов ҳамда рассомлар Н.Глубокина ва Ф.Газизованинг актёрлар учун вужудга келтирган икки хил ниқоблари спектаклнинг образли ечимида муҳим роль ўйнади. Ҳар бир ижрочиға юзи ва бошининг ортига ниқоблар тақилди. «Ниқоблар нафақат маълум ижтимоий типни ифода этади, балки аниқ таъсирчан тусни ўзида акс эттиради» Улар спектаклда актёрларнинг бадиҳа ва бўрттиришга асосланган ижросини тўлдириб, янада ёрқинлаштирди. Театр ва режиссёр Гоццининг драматургиясига мурожаат этаркан, сахналаштириш нуқтаи назаридан мураккаб, аммо мазмунан бой асарни ёрқин ифода воситалари, образли ечимга пластик ёндашув, масҳарабозлик томошаларига хос ҳазилмутойиба, таъсирчан ниқоблар, қувнок ашула ва рақслар ёрдамида талқин этди.

Буларнинг барчаси режиссёрлик фикр ва мақсадига бўйсунди, актёрларнинг енгил ижроси ҳамда рассомлар Н.Глубокина ва Ф.Газизованинг мажозий сценографик ечими билан ёрқинлашди. О.Салимов дунё маданияти ва санъати ривожига алоҳида ўринга эга бўлган комедия дель артени ўзбек сахнасига мослаштиргани режиссурадаги жаҳон театри ютуқларини ўрганиш, тарғиб қилиш ва ўзбек театри санъати билан уйғунлаштириш йўлидаги муҳим изланишга айланди.

Ўзбек Миллий академик драма театри 2003 йили Европа Уйғониш даврининг етук вакили Уильям Шекспир ижодига мурожаат этди. Драматургнинг «Гамлет» трагедияси барча даврларга тааллуқли ижтимоий муаммоларни кўтаргани билан қадрли. Гамлет образи ҳақиқат учун курашувчи, хиёнат, разолат, ёлғон, иккиюзламалик, жаҳолат эгаллаган жамиятни кескин қораловчи, шундай жамиятда яшагандан кўра ўлимни афзал билувчи қаҳрамон сифатида театр ижодкорлари ва томошабинлари қалбини неча йиллардан бери ларзага солиб келмоқда.

Шекспир ўз асаридаги мудҳиш воқеаларни қирол саройида акс эттирсада, улар аслида жамиятнинг исталган қатламида, оддий халқ орасида ҳам рўй бериши мумкин. Шу жиҳатдан, унда кўтарилган муаммолар бутун

инсониятга тегишли. Хўш, бугунги кунгачи? Мустақиллик даврида «Гамлет»ни сахнада талқин этиш ўзини оқлайдими? Гамлет образини ҳозирги замон билан ҳамнафас этиб гавдалантириш мумкинми?

Мазкур трагедияни Т.Азизов сахналаштиришга киришаркан, юқоридаги саволларга жавоб излашга киришди ҳамда асарнинг бугунги кунга ҳам тааллуқли жиҳатлари маънавий-ахлоқий томонида, деган хулосага келди. Режиссёр асарни қахрамонона-фалсафий трагедия жанрида талқин этди. Гамлетнинг қахрамонлиги отасининг қотилини аниқлаб, у ва унинг сафдошларига қарши курашганидагина эмас, балки жамиятни хиёнаткорлардан тозалаб, унда адолат ўрнатишга интилаганида намоён бўлди. Бунинг натижасида асардаги ахлоқий қарашларга урғу берилган талқинда трагедиянинг маишийлашиб қолмаслигига эришилди ҳамда спектакль кўлами кенгрок кўринишга эга бўлди.

Спектакль романтик пафослардан ҳоли, психологик кечинмаларга бой тарзда сахналаштирилди. Режиссёр Гамлетнинг замонавий кўриниш касб этиши учун ҳозирги тез суръатларда ривожланиб, ўзгараётган давр кишининг сахнада ўз аксини топишига ҳаракат қилди.

Натижада бош қахрамон образи режиссёр томонидан ҳар бир сахнада мулоҳазакор, «етти ўлчаб бир кесадиған», ўз навбатида, кескин ва шиддатли, қаршисида пайдо бўлган тугунларни ечишда тезкор қарор чиқаришга интиладиган комил шахс сифатида талқин этилди. Унда шахзодаларга хос аслзодалик йўқ, Гамлет қиёфасида жамиятни маънавий таназзулдан қутқаришга бел боғлаган оддий исёнкор инсон мужассам бўлган. Шекспир трагедиясидаги «Давр изидан чиқди, уни қайта изига солиш менинг зиммамга тушди» ибораси режиссёр томонидан Гамлет образининг лейтмотиви шаклида ифодаланди ҳамда спектаклнинг бир неча сахналарида унинг ижрочиси Т.Саидов томонидан сўзланди. Бу асарнинг аввалги талқини андозаларидан фарқ қилишига сабаб бўлди. П

профессор Т.Турсунов «шу беш хил қайтариқ «издан чиққан давр»ни изга солиш масъулиятини ўз зиммасига олган Ҳамлет хаёлоти, изтироби, бирон қарорга келиш йўлидаги кечинмаси жараёнининг кўрсаткичи сифатида ўртага қўйилади. Охир-оқибат ижрода актёр хатти-ҳаракатига аниқлик киритади» деб мулоҳаза юритган. Бизнингча, ушбу сўзлар Гамлет роли ижрочиси Т.Саидовнинг сўз оҳангида ҳеч қандай ўзгаришларсиз ифодаланиб, спектаклда мазкур иборанинг қайта-қайта айтилиши ўзини оқламаган ҳамда сийқаси чиққан бир гапга айланиб қолган. Шунингдек, асардаги энг асосий монологларни ифодалашда режиссёр актёрдан сокинлик талаб қилди. Т.Саидов ҳам сохта пафосдан қочиш мақсадида монолог ижросига оғирбосиқлик билан ёндашди. «Натижада, қанчадан бери минглаб

томошабинларни ларзага солиб келаётган шоҳ-монолог – «Ё ўлиш, ё қолиш» жўнроқ бир гапдай, ҳар доим эшитиб юриб, кўникиб қолинган хонаки гурунгдай туюлади» [6]. Демак, режиссёр ва актёр монолог ижросида «олтин марказни» топа олмаган, оқибатда бу монологнинг таъсирини сусайтирган. Шунга қарамай, режиссёр вазифасига кўра, Т.Саидов Гамлетни пок виждонни улуғловчи, ҳақиқат ва адолат учун курашувчи, одамларнинг хирс, ўткинчи ҳой-ю ҳавас, мансаб ва бойликка ўчлик, диёнатсизлик сингари иллатларини кескин қораловчи этиб саҳнада гавдалантирди.

Режиссёр трагедиянинг яна бир қаҳрамони Офелияни бошига тушган савдоларини кўтара олмаган бечора сифатида талқин этди. У мазкур образга ёш актриса Гулчеҳра Эшонқуловани танлади. Лирик, романтик роллар ижрочиси сифатида танилган актриса Офелия ролига ҳам шундай руҳият бахш этди. Унинг Офелияси ерда, одамлар орасида эмас, ўзининг хаёлототидаги оламида юргандек таассурот уйғотди. Офелия – Г.Эшонқулова оқ-қорани ажрата олмайдиган, мурғак қалбли кизалоқ. Режиссёр ва актрисанинг образ ечимига бундай ёндашуви натижасида Офелия давр эмас, болаларча ишонч қурбони этиб ифодаланди. Бироқ унинг ижросида ўзгариш сезилмай, монотон бўлиб қолди.

Айниқса, Гамлет – Т.Саидовнинг «Черковга бор!» деган хитоби Офелия – Г.Эшонқулованинг ҳолатида кескин бурилиш ясаши керак. Шу ўринда Москва Ленком театрида саҳналаштирилган «Гамлет» (режиссёр А.Тарковский)да Офелияни ижро этган Инна Чурикованинг спектакль шу нуқтасидаги ҳолат ўзгаришини таъкидлаш жоиз: «Офелиянинг қалбида бирдан нимадир узилгандек бўлди, у шаҳзодани юзига шапалоқ урди... Шу лаҳзада, шаҳзодага ҳамда рад этилган, осмондан ерга улоқтирилган ўз кўнглига раҳм-шафқат аросатида қолган пайтда, унинг қаршисида «Ўлишми ё қолиш?» деган муқаррар савол пайдо бўлгандек тасаввур уйғонади» Г.Эшонқулованинг Офелияси эса Гамлет – Т.Саидов хитобини сокин ва оддий қабул қилиши предметнинг сусайишига олиб келди.

Т.Азизов Шекспирнинг “Гамлет” трагедиясини ўтган аср 30–50-йилларида ўзбек театрида қатъий ўрнини топган «кечинма санъати» анъаналари асосида саҳналаштирди. Муаллиф асари қаҳрамонларидаги характерлилик саҳнада ҳам ўз ифодасини топди.

Албатта, ушбу спектакль трагедиянинг аввалги талқинлари каби жарангдор тус олмади. Бироқ театр репертуари маишийлашиб кетаётган бир пайтда, бундай жаҳон мумтоз асарларига мурожаат қилинишини оқлаш керак. Инглиз театри ва драматургиясининг яна бир ёрқин вакили Жорж Гордон Байрон ўз асарлари билан романтизм даврини гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган ижодкорлардан. Унинг драмалари инқилобий қарашлар билан суғорилган

бўлиб, жозибали шоирона руҳияти, юксак инсоний ҳис-туйғуларни тараннум этиши билан ажралиб туради. Ана шундай асарларидан бири «Қобил» трагедияси Европа романтик драматургиясининг юқори чўққиси бўлди. Қобил образи орқали драматург француз буржуа инкилобида бегуноҳ тўкилган қонларга жавоб бериш лозимлигини олға сурди. «Байрон «Библия» ривоятига суяниб, инсоният тарихининг кейинги ўн йилликларида келиб чиққан умумбашарий муаммоларни бадиий идрок этиш билан ҳақиқат изловчи файласуф, комил инсонпарвар мутафаккир сифатида ўзини кўрсатди»

Демак, асарда даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари кўзга ташланди. Мазкур асар Нафас Шодмонов томонидан таржима қилинди. Таржима ҳамда сахна талқинида асарга ўзгартиришлар киритилиб, унинг ахлоқий жиҳатларига асосий урғу берилди. У 2014 йили режиссёр Авлиёкули Хўжакулиев томонидан Самарқанд вилоят мусикали драма театрида сахналаштирилди. Спектаклда Одам ато ва Момо ҳаво қизларидан бири Абуда образи Байрон асаридагидек гўзал эмас, аксинча чеҳрасида нуқсон бор, аммо кўнгли тоза қиз сифатида талқин этилди. Ота-она раъйи билан унинг турмуш ўртоғи бўлган Қобил эса укасининг аёли гўзал Иқлимага муҳаббати туфайли қалбида исён олови пайдо бўлади. Шу тариқа режиссёр барча замонларга тааллуқли бўлган ахлоқий тушунчаларнинг тўқнашувини ўз талқинида акс эттирди. Бу билан Байрон асари қаҳрамонларини режиссёр фазовий маконлардан ерга туширди ва оддий одамларга яқинлаштирди.

Мумтоз драматургия намуналарини, роман, қисса, новеллаларнинг адаптацияларини, ток-шоу, ҳордиқ дастурини, йирик тантана ва тадбирларни намойиш қилишда режиссёрнинг ўрни ва роли беқиёс бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу касбни эгаллайдиган шахс унинг сир-асрорларини, қонун-қоидаларини, ўзлаштирган, мактабини ўрганган бўлиши лозим бўлиб қолди. Бошқара олиш иқтидори ҳаммага насиб қилмаган, бу қобилиятни тарбиялаш, йўлга солиш, йўналтириш мумкин. Режиссура асослари шу соҳа мутахассислигини эгаллаган талабаларга ёрдам беради. Режиссёрлик санъати ҳаётни театр, кино, телевидение санъати ифода воситалари орқали тасвирлаш бадиий инъикосидир. Фан билан санъатнинг тафовути нима? Аслини олганда фан ҳаёт қонуниятларини ўрганади, исботлайди, мантиқий таҳлил қилади. Санъат эса ўша қонуниятларни тасвир орқали бадиий образларда кўрсатади, ишонтиради. Санъатнинг ҳам фаннинг ҳам асосий мақсади оддий ҳаёт, инсон идроки, унинг турмуш тарзи ҳисобланади. Фақат санъатнинг фандан тафовути шуки, у инсонни ўрганади, инсоннинг ҳис туйғулари, кечинмалари, унинг руҳияти билан шуғулланади. Фан инсоннинг биологик хусусиятларини, жисмоний томонларини, психик ҳолатларини ўрганади. Санъат шуларнинг

барчасини бир кўламда, бир вужуд қиёфасини, унинг ҳаётдаги ўрнини кўрсатиб беради.

Демак, санъатнинг ўзига хос хусусияти бу бадиий қиёфа экан. Қиёфалар орқали фикрлаш, уни яратиш санъатнинг бурчи, асосий вазифасидир. Мўйқалам усталари ҳам, графиклар ҳам, ҳайкалтарошлар ҳам, бастакорлар ҳам, театр, кино, телевидение ижодкорлари ҳам бадиий қиёфалар яратиш устида бош қотиришади. Бадиий қиёфаларсиз санъатни тасаввур қилиш мумкин эмас. Барча санъат турларининг, ижод ходимларининг асосий мақсади бадиий қиёфалар яратишдир.

Ғоясизлик мезонлари муайян шахс, тоифада учрайдиган чуқур билимга эга бўлмаслик, эътиқоднинг сустлиги, масъулиятсизлик, аниқ мақсади йўқлиги каби мезонларга таянади. Ғоясизлик охир-оқибат шахс, тоифа, қатламларнинг ўзга, бегона, ёт ғоя ва мафкуралар таъсирига берилишига олиб келади. Унинг фикрида фақатгина маиший муаммолар: ейиш, кийиниш ва бошқа шаклдаги ўй-хаёллар унинг ҳаётида устувор ҳисобланиб, бошқа кадриятлар унинг олдида ўз кадрини йўқотади.

Ғоявийликнинг мезонлари бузилса, кадриятлар кадрсизланади, ўз аҳамиятини йўқотади. Драматургия да ғоясизлик тушунчаси персонажлардаги ички мувозанатнинг бузилиши, шахсий, миллий, умуминсоний даражаларда ижодий парокандаликни юзага чиқаради.

1.2. “Замондош образи” ни яратиш масалалари. Драматургияда комедия жанрига эҳтиёжини кучайиши.

Ўзтган асрнинг 80-90 йилларида ўзбек драматурглари асарларида бутун мамлакат ижтимоий ҳаётида бирламчи ҳисобланган замонавий воқеликнинг амалий жиҳатлари ўз ифодасини топди. Бу асарларда «замонавийлик» мавзуси маърифатпарварлик кайфиятига эга бўлиб, улар сахна орқали тарғиб этилди.

Драматурглар «замондош образи»ни, унинг маънавий дунёсини ҳар томонлама очиб беришга интилган ҳолда, меҳнаткашлар фаоллигини ошиб боришини намойиш этдилар, шунингдек одил жамият фаровонлиги учун курашувчиларининг сиймоларини яратдилар. Муаллифларнинг маълум бир қонуниятларга асосланиши ва муросасизлиги уларга ҳаёт қийинчиликларини соддалаштирмасдан амалдаги зиддиятларни ифодалаш ва бартараф этишга имкон берди. Тажриба шуни кўрсатади-ки, драматурглар воқеликка қанчалар чуқур кириб борсалар, шунчалик тор маънодаги баёнчилик ва унинг кўринишларидан андоза олишдан воз кечишган.

Охирги 10-15 йилдаги драматургиядаги баъзи бир турғун жараёнларга қарамадан унинг илдамлигини таъминловчи тамойиллар белгиланди. Мазкур

тамойиллар, авваламбор, драматургларнинг «илмий техника революцияси даври» кишисининг маънавий ва ахлоқий дунёҳарашини англаб етишга, қаҳрамонлархарактерларидаги ижтимоий ва маънавий ақидаларни бирлигини ифодалаш, унинг ишлаб чиқариш жараёнида юзага келаётган ўша ахлоқий шахсий қоллизияларини – карама-қарши ҳарашларни, интилишлар ва манфаатлар тўқнашувларни ёритиб беришга интилишлари билан боғлиқ. И.Двореккийнинг «Человек со стороны» («Четдан келган одам»),

Г.Бокаревнинг «Сталевары» («Пўлат эритувчилар»), А.Вейклер ва А.Мишариннинг «День-денской» («Кун бўйи»), А.Гребневнинг «Из жизни деловой женщины» («Ишбилармон аёл ҳаётидан»), Р.Ибрагимбековнинг

«Своей дорогой» («Ўз йўлимдан») ва «Неопубликованный репортаж» («Нашр этилмаган репортаж»), М.Шатровнинг «Погода на завтра» («Эртанги об-ҳаво»), А.Гельманнинг «Протокол одного заседания» («Бир кенгаш баённомаси»), «Обратная связь» («Акс алоқа») ва «Мы, нижеподписавшиеся» («Биз куйида имзо чекувчилар») сингари алоҳида қизиқиш уйғотувчи «ишлаб чиқариш мавзуси»даги пьесаларда «илғор замондош»лар – меҳнаткашлар, қурилиш ва ишлаб чиқариш соҳаси раҳбарларининг меҳнат фаолиятига боғлиқ фазилатлари ва хулқ-атворларини англаб туриб шарҳлаш муаллифлар диққат марказида бўлган. «Бугунга келиб, ишлаб чиқариш конфликти ва бу конфликтдаги инсон характери кўп жиҳатдан умумдавлат зиддиятларини акс эттиради. Одамлар давлат муаммоларини ечадилар, инсоннинг фуҳролик фаоллиги, унинг шахсий маъсулияти мислсиз ўсди», – деб ёзади бу борада И.Вишневская.

Ҳақиқатдан ҳам, ноантогонистик ҳусусиятларга эга реал зиддиятларни ўз ичига олган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни бошқарув даражасига талаб ортди. Ноантогонистик зиддиятлардан келиб чиққан муаммолар ва конфликтларни бартараф этиш жамиятнинг барча жабҳаларида фаолият олиб бораётган кишиларнинг савиясини мукамаллигини кучайтиришни талаб қилади.

1970-йиллар ҳамда 1980-йиллар бошларида Ўзбекистон театрлари репертуарларида драматик конфликтлар ва бадиий образларда ҳаётнинг турли муаммолари ўзининг маълум ифодасини топган «ишлаб чиқариш» мавзусига бу кучли қизиқишни уйғотувчи асарлар пайдо бўлди. Улар орасида А.Мухторнинг «Самандар», М.Бобоевнинг «Ер томири», Ҳазимовнинг

«Садоқат», О.Матчоннинг «Тўғон», Ж.Жабборовнинг «Ўжарлар» пьесалари асосида сахналаштирилган спектакллар мавжуд.

Бу йиллар мобайнида турли ахлоқий-маънавий муаммоларни ёритувчи бошқа долзарб мавзуларда ҳам кўплаб асарлар яратилган. Уйғуннинг

«Парвоз», Ў.Умарбековнинг «Комиссия», «Қиёмат ҳарз», «Ўз хоҳишига биноан», М.Каримовнинг «Инсонликка номзод», М.Бобоевнинг «Ўттиз ёшлилар», «Тошкентдан келган меҳмон» («Гурунг»), Ш.Бошбековнинг «Тикансиз типратиканлар», «Оқ отлар учун вальс», «Тақдир эшиги» пьесаларида муаллифлар ҳаёт қарама-қаршиликларини ва замондошлар характерининг янги қирраларини очиб берадилар. Камдан-кам ҳолларда бу пьесаларнинг сюжет ва характерларига бир ёқлама баҳо берилади, уларнинг баъзиларини драматик конфликтларини эса ижобий ёки салбий персонажлар характерларнинг тўғридан-тўғри, юзаки тўқнашуви сифатида кўриб чиқиб бўлмайди. Асосийси, айтиб ўтилган пьесаларда, ҳатто, кураш уларга фолакат ва азоб-уқубат олиб келганда ҳам, ўз мақсадига интилаётган бош қаҳрамонлар маънавий мезонлари юксаклиги эътиборни жалб қилади.

Даврнинг «илғор замондош» образини яратиш муаммоларини ечишда ўзбек муаллифлари янги қадам ташлашга интилганлар. Улар ўтган йиллар драматургияси тажрибаларидан келиб чиқиб, томошабинлар ишонадиган ва ибрат оладиган ёрқин, бадиий етук ижобий қаҳрамонлар образи орқали маънавий, ахлоқий баркамолликни ифодалашга ўринадилар. Аммо бундай образлар яратиш муаммосини реал характерларни кўп қиррали зиддиятларини ўзида жамловчи драматик конфликтнинг ёрқин ва теран изоҳлайдиган табиатини аниқ ва чуқур англамасдан ҳал этиб бўлмайди. Ўзига хос (алоҳида) ҳиссиётни чуқур бошдан кечиргани сингари Инсон характерида унинг давр билан алоқадорлигини у бошидан кечирган чуқур ҳиссиётлар орқали ишончли очиб бериш асарни ҳаққонийлиги ва бадиийлигининг зарурий шарти бўлиб келган.

Драма учун марказий бўлган конфликт ва характер муаммоси барча даврларда ҳам қизиқиш касб этган ва бу тасодиф эмас. Қизиқиш драманинг, кейинчалик эса спектаклнинг ғоявий-бадиий яхлитлигининг шаклланишида драматик конфликт эришган аҳамиятига асосланган. Драматик конфликт табиатини ҳаққоний ва теран изоҳлаш аҳамияти бугунги кунда ғоят ўсди. Замонавий воқеликнинг ижтимоий ва руҳий конфликтлари сезиларли даражада мураккаблашди. Мавжуд конфликтларни кўп қирралигини эндиликда асар сюжетидаги рақибларнинг тўғридан-тўғри тўқнашувидек тасаввур этиш бир ёқлама, шартли талқинларга олиб келади.

А.Гельманнинг «ишлаб чиқариш» драмаси сифатида эътироф этилган «Протокол одного заседания» («Бир кенгаш баённомаси») асарини таҳлил қилиш бирмунча намунали мисол. Потапов бригадаси ва қурилиш бошлиғи Батарқев ўртасидаги тўқнашувни пьесанинг асосий конфликти сифатида таърифлаш муаллиф томонидан олдинга сурилган муаммоларнинг барча мураккаблигини йўққа чиқариш идир. Бундан аниқ хулоса қилса бўлади-ки,

драматургия ривождаги янги босқични белгилаб берувчи тамойиллар драматурглар, уларнинг изидан сахна арбобларини драматик конфликт тушунчасининг ўзига ва замонавий пьесаларда конфликт ва сюжетнинг, конфликт ва ҳаракатнинг увий ўзаро боғлиқлигини чуқур ўзлаштириши ва англаб етиши билан ҳарактерланади. Бугунги кунда драматик конфликт барча даврларга ва ҳаётнинг барча воқеаларига яроқли «ҳаракатга келтирувчи куч» шунчаки бир ўт олдирувчи мослама эмас, балки ҳаракатдаги аниқ-тарихий зиддиятлар сурати ва сийрати, шунингдек режиссёр концепциясига, актёрлик ижроси услубига таъсир этувчи «драманинг жони» сифатида ҳаралади.

Конфликтни бундай фаҳмлаб, бадиий ифодланиши 1970-йиллар ва 80-йиллар бошлари ўзбек драматургиясида ютуқларга олиб келгани сингари замонавий ўзбек театрларининг энг сара спектаклларида драматик ҳаракатни яхлит ифодалашга имкон яратди. Кўпчилик мисоллар шуни тасдиқдайди-ки, конфликт табиатини чуқур англаган Режиссёрнинг замонавий спектакллари ҳақиқий муваффақиятга эришган. Ҳамза номидаги академик драма театрнинг Ў.Умарбековнинг «Қиёмат ҳарз», «Шошма қуёш», М.Бобоевнинг

«Тошкентдан келган меҳмон» пьесаси асосидаги «Гурунг», С.Аҳмад асосидаги «Келинлар кўзғолони» сингари постановкаларида режиссёрлар сюжет қарама-қаршиликларини ва драматик конфликт зиддиятларининг сахна ҳаракатларини ички ва ташқи диалектикасини образли ифодаланишига яқинлашадилар. Спектаклнинг ифодавий сурати бу ерда драматургнинг, кейинчалик эса спектакль корларининг драматик конфликтдаги воқелик қарама-қаршиликларини умумийлик ва индивидуаллик объективлик ва субъективлик бирлиги сифатида ҳаққоний ифодаланиши эвазига яратилади.

Ўзбек драматурглари охириги йилларда воқеликнинг зиддиятли кўринишларини шунчаки акс эттиришга эмас, аксинча, улар моҳиятини англашга, драматизмининг очишга охир-оқибатда эса, типик ҳаракатларда ғояни умумлаштиришга интиладилар. Ички ҳаракат динамикаси ривожидан драма композициясининг ташкил этишининг муҳим шартларидан бирига айланади. Бунда конфликт томонлар ўзининг азалий қарама-қаршилигини сақлаган ҳолда ғояларда ифодаланади, шунингдек у ёлғиз бирҳаракат ички зиддиятларида гавдаланиши мумкин. Бундай ёндашиш Режиссёрларни драма қаҳрамонининг ички дунёси ифодасининг шартли усулда акс эттиришига олиб келди. Сахнада қаҳрамон ички «мен»ининг кадр орти овози шунчаки янграмайди, балки унинг кўз илғайдиган тимсоли ҳаракатланади. Тадқиқот учун олинган даврда, драматик конфликт тушунчасининг ўзида бу теранлашиш жараёни И.Султон, Уйғун, А.Ибраҳимов, Ў.Умарбеков, М.Бобоев ва Ш.Бошбеков ида кўринади.

Драматик конфликт ҳаёт зиддиятларини айнан акси эмас, лекин улар томонидан «суғорилган» ва шу жиҳатдан ижтимоий-тарихий зиддиятларни ифодаси ҳисобланади. Диологик тузилиши билан бир қаторда драматик конфликт драманинг ўзини ҳамда драматик ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Зиддиятсиз драма яшай олмайди: назариётчиларнинг кўпчилиги изоҳлашича драматик зиддият драманинг жони ҳисобланади. Драмада конфликт вазиятларни, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларини ўзгаришига олиб келади, бироқ у драманинг «ҳаракатга келтирувчи куч»и дегани эмас. Ўзгаришларга олиб келганча, конфликтнинг ўзи ҳаракатларда намоён бўлади ва бу ҳаракатланиш унинг мантиғини ҳаётнинг драматик концепциясида намоён этади.

«У(конфликт)нинг теранлиги даражаси мазмундорлик жиҳатдан даврнинг ижтимоий-тарихий қонуниятлари, унинг ҳақиқий «ҳаракатлантирувчи кучлари» билан алоқадорлик аниқланади. Бадиий нуқтаи назардан мауммо ички уйғунликда, драматик ҳаракатнинг турли қатламлари ифодасининг «бевосита» ва «билвосита» мутаносиблигида, унинг «кўлами» яхлитлигида ташкил топади-ёзади А.Карягин ва яна, «бу «ҳаракат қатламлари» ўзида шартли равишда бўлинадиган бирликни намоёиш этади. Драмада ҳамма нарса конфликтга интилган ва нима-ки ундан ташҳарида бўлса, ортиқча», -дея таъкидлайди. Бу маънода юқорида таъкидланганидек конфликт уни «суғорган» воқелик қарама-қаршиликларининг аниқ-тарихий, драматик бадиий тизими ҳисобланади. Лекин кўпинча конфликтга бир ёқлама, бир маъноли ёндошилади, шунинг учун ҳам конфликтнинг аҳамияти, унинг воқелик билан боғлиқлиги масаласи ечилмай қолади. Бу борада у ташқи сюжет воқеаларидаги қарама-қаршиликлари, персонажларларнинг ғайриоддий тўқнашувларидек қабўл этилади, «турларга» бўлинади ва персонажларнинг жойлашувига кўра юзани белгилайди. Бу драматургияни таҳлил этишда нотарихийликка олиб келади, негаки, конфликтнинг ташқи белгилари унинг ташқи сюжет қатламига алоқадор ва персонажларни ҳаракатларини белгилайди.

Ўзбек драматургияси ва театри жамиятнинг ижтимоий қатламлари орасидаги тафовут, меҳнат ва меҳнат муносабатларининг янги шаклларининг айнаи унинг эскирган шакллари билан кураш, кишиларнинг моддий ва маънавий талаблари ортиши ва жамият ривожидида мавжуд улкан шарт-шароитлардан етарли даражада фойдаланмаслик кабилардан келиб чиқувчи ҳаётий зиддиятларнинг теран манбаларига мурожаат қилганлар ва мурожаатни давом эттирмоқдалар. Ҳаётий зиддиятларни ифодалаш ва ўзлаштиришнинг бадиий усули сифатида юзага келган, ўзида драматик курашнинг долзарб палласини мужассамлаштирувчи ўзбек драматургияси

дунёни унинг ҳақиқий ривожда кўриб чиқади, унинг конфликтлилигини ижтимоий қайта барпо этиш даврларида таҳлил этади.

Театр ўз маҳсули билан томошабинларнинг орзу-умидларини амалга оширишга кўмаклашишдек, завқлантиришдек муқаддас хизматни ҳам ўз зиммасига олган экан, унинг маҳсули замондошларининг бадиий дидига нисбатан юксакроқ бўлиши талаб қилинади. Чунки томошабинларнинг ижодкорлик туйғуси тўғри тарбияланган бўлиши ва шундайлар бугун спектакл кўраётган бўлиши мумкинлигини инобатга олишлари заруратга айланади. Тассавури ва тафаккури адабиёт, театр ва кинонинг юксак бадиий намуналарида тарбияланган замонавий томошабин жонли мулоқотда иштирок этиш учун спектаклга ташриф буюрган экан, у доим “хақ” бўлиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу фикр театр фақат зиёлиларнинг севимли маскани дегани эмас, балки бадиий диди тарбияланганлар ёки тарбияланишини хоҳлаганлар учун жонли мулоқот содир бўладиган муқаддас даргоҳ. Улар сахнавий талқин қилинган характерлар қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ўзларини қайта тарбиялашга бел боғлаган, маънавий бойиш учун ташриф буюрган театр санъати шинавандалари. Шунингдек, театр танлаган мавзу долзарбми, асар ғоясининг режиссёрлик талқини тўғрими, актёрлар ўзларига топширилган персонажлар характерини образ даражасида яратишга қодирми? — деган саволларига жавоб топиш учун келган мухлислар.

Шундай экан театр ўз спектакли ғоясини, тахмин қилинган олий мақсадини замондош савияси даражасидан юксакроқ бадиий шаклда талқин қилишга қодир эмас экан, буни аввало томошабинга ҳурматсизлик деб баҳолаш лозим. Давлат ҳар бир спектаклни сахналаштириш учун маълум миқдорда маблағ ажратар экан, у аввало томошабиннинг руҳий, ахлоқий ва маънавий бойиши учун хизмат қилиши ҳам қарз, ҳам фарз.

Томошабинни етаклаш ўрнига, унинг етагида юрадиган театрларнинг репертуарини назоратдан ўтказиб, ижодий жамоаларни томошабинни ҳурмат қилишга даъват қилиш ҳам заруратга айланди. Чунки, театрнинг репертуари — унинг жамоаси иқтидори даражаси кўрсаткичидир. Бу муқаддас даргоҳда ҳар бир ижодкорнинг ва алоҳида санъат турлари усталарининг ўз ўрни бор. Улар ҳамкорлигидаги синтезлашган ижод маҳсули бўлган спектакл — санъат турлари усталарининг ўзаро ҳурмати ва бир бирини тўлдириши эвазига туғилади. Театрнинг ўзига хос мураккаб санъат тури эканлиги, унинг синтезлашган жамоавий ижод маскани эканлигигадир.

Муסיқадаги ҳар бир фальшни сезиш осон, лекин спектакллардаги ўнлаб носозликни ҳамма ҳам англайвермайди. Ҳаётдаги уйғунликдан, муסיқадаги гармониядан хабардор томошабинлар спектаклни ҳам бадиий яхлит шаклда кўришни истайди. Улар шунинг учун спектакл ҳақидаги ўз фикр-

мулоҳазаларини беғараз билдириб борадилар. Бу замонавий томошабин ва у театр билан ҳамкорликда ижод қилишни ҳохлайди. Бундайларнинг ижодий туйғуларидан тўғри фойдаланиш учун театрлар ҳам замонавий ижод услубига ўтиши лозим.

Замонамизга келиб иш фаолиятида компьютердан фойдаланадиганлар, касби-кори учун интернетдан янгилик қидириб, якка тартибда, фақат техника билан мулоқотда бўладиганлар учун театр ёки стадионга бориб жонли мулоқотга киришиш заруратга айланди.

Шунинг учун жаҳоннинг илғор театрлари иш услубида жонли мулоқотга муҳтож, ижодкорлик туйғуси тўғри тарбияланган томошабинларнинг фикр-мулоҳазаларидан, таклифларидан унумли фойдаланиш етакчилик қилмоқда. Замонавий театр ўз мухлислари, яъни жонли мулоқотга интилаётган, лекин бошқа касб эгалари бўлган ижодкорлар билан интернет орқали мунтазам алоқа ўрнатмоқда. Бу алоқа театрларнинг интернетдаги сайтлари орқали амалга оширилади. Илғор театрлар ўз сайтида қайси асарни сахналаштиришни режалаштираётганлигини эълон қилади. Уни ким сахналаштиради, кимлар ижро қилади, декорация ва мусиқий ечим, илгари сурилаётган ғоя тўғрисида қисқача аннотация — изоҳ берилади.

Интернетдаги ижодий муҳокама жараёнини театрнинг сахналаштирувчи жамоаси ўрганиб, ўз фикрини билдирганларга миннатдорчилик эълон қилиб, улар таклифидан сўнг қандай ўзгаришлар содир бўлганлиги ҳақида, яна қайта ўз мухлисларига хабар жўнатади. Ижодий баҳс — мунозара янада қизгин тус олади. Интернет орқали мунозарага киришган ижодкор — мухлислар бу масалага ойдинлик киритиш учун ўзларининг дўстларини ҳам бу жараёнга жалб қилганини маълум қилишади. Театр жамоаси эса бу мавзу муҳокамасида қатнашганлар сонига қараб, ҳали сахналаштирилмаган спектаклга қанча томошабин тушиши мумкинлигини аниқлаб олади. Сарф қилинадиган харажатлар қопланиши аниқ бўлган дақиқадан бошлаб, спектаклнинг репетициясига киришишади. Қизиғи шундаки, репетиция жараёнида пайдо бўлган муаммолар тўғрисида яна ўз мухлисларига мурожат қиладилар. Ижодий ҳамкорлик ва уни амалиётдаги кўриниши натижаси театр жамоасини қай даражада қизиқтирса, интернет орқали мулоқотдагилар муҳокамаси ҳам шунчалик қизгин тус олади. Театр томошадан бир ой аввал ўз мухлисларига — “сиз қачон кела оласиз, сизга нечта чипта керак?” деган савол билан мурожаат қилади. Натижа кутилганидан ортиқ бўлади. Спектаклнинг туғилиш жараёнида фаол иштирок этган мухлислар биринчилардан бўлиб театрнинг ҳисоб рақамига пул ўтказиб, чипталарни ҳарид қилиб оладилар. Спектакл туғилмасдан, бир ой олдинга чипталар сотилиб бўлади. Биз учун эртакнома бу янгиликка мисол қилиб “Соғлом авлод учун” журналининг 2013 йилнинг

декабр сониди “Театр ва томошабин ижросидаги томоша” номли мақола эълон қилгандик. Мақолада Лондондаги “Полка” театрининг юқорида баён қилинган замонавий иш услуби ёритилган эди. Бу театрининг иш услубидаги яна бир янгилик, жамоанинг ҳар бир аъзоси бирон мактабда бадиий ижод бўйича масъул бўлиб, болаларнинг рассомликка, мусиқага, адабиётга ва театрга лайоқатини, махсус вазифалар бериб аниқлайди. Мактабдаги кўриклар, бадиий кечаларда иштирок этган болаларнинг иқтидорини баҳолаш жараёнида театрининг рассоми, композитори ва режиссёри қатнашади. Шундай қилиб, театр интернет орқали ҳамкорликда ижод қиладиганларни атрофига жамласа, мактабдаги болаларни жонли мулоқот ва махсус дарслар орқали театр санъатининг ёш мухлисларига айлантиради.

Томошабиннинг қалбини ва онгини забт этиш учун замонавий театрлар янгидан-янги услубларни кашф қилмоқда. Шу ўринда Станиславскийнинг “қотиб қолган қолиплар, анъаналар ижод қилишдан тўхтаганлар учун жуда қулай никобдир”, деган фикрини эслаш ўринли бўлади. Чунки, қобилиятсизлар шарт-шароитга мослашадилар, ижодкорлар эса янгилик яратишга интиладилар. Бу интилиш жараёнида ижодкорлар аввало шарт-шароитга мослашган ҳунармандларнинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Бундай қаршилиқни енгиш учун илғор театрларнинг янги услубларидан хабардор бўлиш замон талабига айланди.

Замон талабини олдиндан ҳис қилган юртбошимиз интернет тармоғидан театрлар фойдаланиши учун ўн йил аввал шароит яратиб берди. Сўнгра ундан ҳар ким ўз касби-кори учун тўғри ва унумли фойдалансин деб инглиз тилини ўрганиш учун барча қулайликлар яратилди. Дунёқараши янгиланаётган катта авлод ортидан мустақиллик фарзандлари улғайиб, сафимизга қўшилмоқда. Улар ўз соҳалари учун керакли ахборот ва хабарни интернетдан олиб, янги маълумотларга эга бўлмоқда. Шу ўринда интернетдан олинган хабар, ахборот ёки маълумотни “билим” ёки “илм” деб янгилаётганлар борлигини эслатиш жоиз.

Интернетдан олинган маълумотларни жамлаб, таҳлил қилиб, ўз касбига ижодий ёндошиш кўникмасини шакллантираётган ёшларни илмга интилаётганлар дейиш мумкин. Чунки улар, янгилик яратишга интилаётган, изланишдаги ёш ижодкорлар бўлиб, сўнги маълумотлардан тўғри фойдалана оладиган замондошларимиздир. Улар республикамиздаги театрларнинг сайтларига кириб янги хабарлар тополмаётганликлари ачинарли хол. Айниқса, ёш ижодкорлар саҳналаштирилиши режалаштирилган асарлар ҳақида билишни ва театрга маълум даражада тайёрланиб боришни хоҳлайдилар. Сўнги 4-5 йил ичида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тугатган ёшлар ҳамда таҳсил олаётган талабалар — санъат журналистлари,

театршунослар, драматурглар ва режиссёрлар интернетдан ўз соҳалари учун янгилик кидирадиганлар, локал пойтахт театрлари ўз сайтларида жорий йил учун режалаштирган асарлар билан танишиб, жамоавий кўриққа тайёрланиб боришни орзу қиладилар. Афсуски, сахналаштирилган асарнинг муҳокамасида ҳатто, мутахассислар пьесани ўқимай келганини ва кўрганини таҳлил қилиши мумкинлигини очиқ айтадиган бўлишди. Олдиндан тайёргарлик кўриб боришнинг иложи йўқ, чунки театр сайтига йиллик режа киритилмаган, асарни топиш қийин, уни режиссёр ўзгартириш учун олиб кетган, охириги варианты ҳали тайёр эмас, лекин у жамоатчилик кўриги ва муҳокамасига ҳавола қилинган.

Актёрлик замонамизнинг улуғ касбига айланиб, улар театрдан бўш пайтида — дубляж, кино, сериал, клип ҳатто рекламада банд бўлгани учун “ишхонасининг майда-чуйда” ишларига аралашмайди. Бундайларга театр қанчалик қотиб қолган “анъаналарга” содиқ қолса, шунчалик қулай. Чунки уни асар муҳокамасида мунтазам иштирок этишга вақти йўқ. Ортиқча вақти бўлса, тўйга бормаса бўлмайди, тирикчилик...

Замон эса ижодкорлардан янгилик кутяпти, янглик яратиш эса осон иш эмас. Шунинг учун илғор театрлар интернет орқали барча театр мухлисларини ҳамкорликда ижод қилишга чорламоқда. Бу замон талаби. Театр янгиликка, зиёлиларнинг жонли мулоқотига, янги фикрига муҳтож. Ижодкорлик тўғриси тўғри тарбияланган замондошларимиз — кино, телевизор, диск, клип, интернетдан тополмаган жонли ва ижодий мулоқотни фақат театрдан топиши мумкинлигини англаб етди. Бу эҳтиёжни ҳис қилган жаҳоннинг илғор театрлари уларни ўзларининг ижодий ҳамкорига айлантirmoқда. Демак театр ва томошабин ҳамкорлигини замон талаби даражасида йўлга қўйиш учун:

- сайти ишламаётган театрларни аниқлаш ва тегишли чора кўриш;
- Ўзбекистон ёшлар театрининг бу йўналишдаги тажрибасини ўрганиб, янада такомиллаштириш;
- театрларнинг бадиий кенгаши “Низоми”ни қайта кўриб чиқиб, янги услубда ишлаш ва маҳаллийчилик унсурларига қарши курашадиган бандлар киритиш;
- Низомда, театрлар кейинги йил режасини, яъни сахналаштирилиши тахмин қилинаётган асарлар матнини ўз сайтига киритиш шарт, деб белгилаб қўйиш;
- муҳокама мониторингини олиб борадиган ва ўзгаришлардан мухлисларни интернет орқали хабардор қиладиган ижодкорларнинг жавобгарлигини белгилаш;
- телевидениеда “teatr.uz.” порталидага янгиликлардан оммани хабардор қиладиган махсус кўрсатув ташкил қилиш;

- порталда ижодий ташкилотларнинг, яъни театрнинг маҳсулотини такомиллаштирадиган соҳа турлари билан ҳамкорлик даражасини ёритиб бориш (рассомлар, композиторлар, балетмейстерлар, дизайнерлар, адабиётчилар, журналистлар ҳамкорлиги);

- фаол мухлисларни театр санъати ривожига кўшган ҳиссасини эътироф этиш;

- намунали даражага кўтарилган “театр ва томошабин” ҳамкорлигини рағбатлантириш услуби ва шаклини тасдиқлаш, кабиларни тизимли тартибга келтириш зарур.

Бу тадбирлар нима беради? Аввало театрларни “анъаналаридан” — штампга айланган қолиплардан чиқариб, замон талаблари даражасида ишлашга ўргатади. Драматургия ва актёрлар ўртасидаги ижодий бўғин бўлган режиссура савиясини назоратга олади ва саралайди. Театрни томошабин олдидаги жавобгарлигини оширади. Давлат маблағини самарасиз сарфлашнинг олидини олади. Актёрларнинг ҳамжиҳатлигини оширади. Драматурглар савиясини кўтаради. Асарнинг театр талқинини олдиндан муҳокама қилиб, янги бадиий шакл топишга кўмаклашади. Талқин таҳлилига мутахассисларни, театр ижодкорларини ва ёш мухлисларни ўргатади. Ёшларни интернетнинг кенг имкониятидан тўғри фойдаланишга даъват қилади. Бадиий яхлит спектакллар намунаси пайдо бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, энг муҳими — томошабинни театрга олдиндан тайёрланиб бориш кўникмасини шакллантиради. Маънавият, маърифат ва таълим муассасаларининг театр ҳамда томошабинлар олдидаги масъулиятини оширади. Ёшларнинг ижодкорлик туйғусини тўғри тарбиялаб, яратувчанлик кайфияти билан яшаш кўникмасини шакллантиради. Давлат чиқарган Фармон ва Қарорлар ижросини таъминлайди ҳамда ўзбек саҳна санъатини жаҳоннинг илғор театрлари даражасига кўтаради.

Назорат саволлари

1. Охирги марта қачон театрга боргансиз?
2. Томошабинлик даражангизни ҳеч аниқлаганмисиз?
3. Театрни томошабин олдидаги масъулиятини изоҳланг.
4. Томошабинни театр олдидаги бурчи борми?
5. Интернетдаги театр хабарларини мунтазам кузатиб борасизми?
6. “Полка” театрининг “Алла” спектаклини изоҳланг .
7. Эртанги театр ва томошабинни қандай тасаввур қиласиз?

2-Мавзу: Режиссурадаги тўғри таҳлилнинг сахнавий талқиндаги бадий аҳамияти (4 соат)

Режа:

- 2.1. Режиссёрликда тўғри таҳлилга замонавий ёндашув.
- 2.2. Режиссёрлик талқинини намоён этишда муаллиф услубини ўрганиш.
- 2.3. Мавзулар орасидаги энг долзарбига урғу бериш услуби. Тўғри талқин томошабин учун ғоявий даъват сифатида.

***Таянч иборалар:** драматургия, тенденция, пьеса, томоша театри, спектакль, театр жамоаси, бадий асар даъвати, персонаж характери, ижодкорлик туйғуси.*

2.1. Режиссёрликда тўғри таҳлилга замонавий ёндашув.

Режиссёр ўз талқинини аниқлаш учун таҳлилни асарнинг жанрини ўрганишдан бошласа мақсадга мувофиқ бўлади. Муаллифнинг ҳаётий ҳақиқатга муносабати аниқ бўлгач, уни ифодалашга мос актёрлар танлашга киришади ва ўзига хос ҳис билан бадий шаклга солишга ҳаракат қилади. Ёзувчининг тасвирланаётган ҳаётий ҳақиқатга бадий муносабати пьеса жанрини белгилайди. Баъзан драматурглар таъсирланган воқеаларига ўз муносабатини белгилай олмай қолади ва борини ёзиб қўя қолади. Жанрни тўғри аниқлаш бўлғуси спектаклнинг мазмуни, ғоясини ва муаллифнинг ўзига хос услубини англаш учун воситадир.

Жанр французча сўз бўлиб — “тур”, “хил” маъносини англатиб, асарнинг ёки томошанинг трагедия, драма, комедия каби турларга бўлинишидир.

Аристотел “Поэтика” асарини ёзган пайтда “жанр” деган атама ишлатилмаган эди. Трагедиянинг барча томоша санъати турларидан устун эканлигини асослаш учун, уни комедия, драма, мим, понтамим, ракс, қўшиқ ва қўғирчоқ ўйини каби йўналишлар билан қиёслади. Натижада, барчаси содир бўлган воқеага билдирилган муносабат туфайли, улар ўзига хос турларга мос ифода воситаларига эга эканлигини аниқлайди. Трагедия, драма ва комедияга ажраган йирик турларга қуйидагича нуқтаи назар умумий муносабат эканлигини илк бор асослайди. Трагедия қаҳрамони мендан ҳар томонлама юксак, ижтимоий келиб чиқишида, мақсадида ва ҳаракатида. Драманинг қаҳрамони мен каби — унинг фикрлари билан баҳслашиш мумкин.

Комедиянинг барча персонажлари менга нисбатан тубан, шунинг учун улар харакати устидан кула оламан.

Трагедия — драматик асар турларидан бири бўлиб, унда иложсиз вазият, халок этувчи оғир ва тенг бўлмаган кураш негизда бош қахрамоннинг характери ҳамда халокати сабаби очиб берилади. Трагедия драманинг — дардли кураш ифодаланган харакатнинг энг қадимги туридир. У қадимги Грецияда вужудга келган ва “Эчки йиғиси” номи билан худо Дионис шарафига ўтказилган байрамдаги халқ томошасидан олинган. Дионис шарафига қурбонлик учун эчки олиб келишар экан. Бу маросим рақс тушиш, Диониснинг изтироблари ҳақида хорнинг ривоят айтиши ва қурбонликка аталган эчкининг туйғулари ҳақида хорнинг қайғули қўшиқ айтиши билан яқунланган.

Кейинчалик трагедия аввалги хусусиятини ўзгартириб, инсонлар изтироби ҳақидаги махсус театр томошасига айланган. Грек драматурглари Эсхил, Софокл, Еврипид трагедиялари инсон изтиробларини бадий тасвирай олгани учун машҳурдир. Антик театр кишининг изтироблари тасвири билан томошабинлар қалбига даҳшат солар ва гўё кишининг тақдири ҳамда қилмишини бошқариб турувчи ғайритабий кучга қарши курашиш бефойда деган тушунчани уқтирарди. XVI асрнинг иккинчи ярмида ва XVII аср бошларида яшаб ижод этган буюк инглиз драматурги В.Шекспир трагедияларининг бош қахрамонлари жамиятдаги мавжуд кучли қарама-қаршиликларни ёрқин бадий шаклда очиб ташлаган. Шунинг учун ҳам унинг трагедиялари бутун дунёда шуҳрат топди.

А.С.Пушкин ҳам трагедия жанридан фойдаланиб ўзининг ўлмас кичик трагедиялари — “Тош меҳмон”, “Моцарт ва Сальери”, “Қизғанчиқ рицарь” ва “Борис Годунов” трагедиясини яратди.

Кейинги давр драматургиясида трагедия ўз моҳияти билан ўтмишдагилардан тамомила бошқача бўлиб, унда ҳаёт ҳақиқати ва оптимистик мазмун ўз ифодасини ёрқинроқ топади. Бундай трагедиядаги бош қахрамон халқ иши учун курашувчи, лозим бўлса, бунинг учун онгли равишда ўзини халок қилувчи қахрамондир. Шундай қилиб, трагедия қахрамонининг халокати, унинг маънавий тантанасига, ғалабасига айланади. Ўзбек драматургиясида ҳам трагедия жанрида ижод намуналари бор — Фитратнинг “Абул Файзхон”, Ҳамзанинг “Ишқ қурбонлари”, Туроб Тўланинг “Нодирабегим”, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” номли тарихий-фожиавий пьесалари бунинг ёрқин ифодасидир.

Комедия юнончада “қувноқ томоша”, кулгули қўшиқ маъносини англатади. Унда ҳаётдаги кулгили ҳодисалар тасвир этилади, ижтимоий ва оилавий можаролар, кишилар характеридаги баъзи бир қусурли хусусиятлар

очиб ташланади. Комедия драматик асарнинг бир тури сифатида қувноқ халқ томошалари заминиди вужудга келган. Қадимги греклар шароб, ҳосилдорлик ва шодлик маъбудиди Дионис шарафига атаб, карнаваллар уюштирган. Унда кўшиқ айтганлар, рақсга тушганлар, мим ва понтамимларда эскирган формалар устидан янги ғоя ғалабасини кулгули акс эттирганлар. Қонуний таракқиёт қаршисида умри тугаган тўсиқларни комедияларда намоён қилишган. Чунончи Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедиясида ўзини пок, бегуноҳ қилиб кўрсатган қози, муфти ва зодагонларнинг ахлоқ ва одоби сатира орқали кўрсатилиб, уларнинг маиший бузук ниятлари замиридаги зиддият очиб ташланади. Зотан, комедиянинг моҳияти, В.Г.Белинский айтганидек ҳаёт ҳодисалари билан ҳаёт моҳияти ва унинг аҳамияти ўртасидаги қарама-қаршилиқлардан иборатдир.

XX аср драматургияси комедиянинг янги турини вужудга келтирди. Миллий комедияларда кишилар ўртасида ва турмушида сақланиб қолган эскилик сарқитлари кулги билан фош этилади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Шохи сўзана” комедиясида ёшларнинг шиддатли характери, янги ерлар очиш ва пахтадан мўл ҳосил олиш учун олиб борган курашидаги камчилик ва иллатлар ёритилади. Комедия ўз навбатида тасвирланаётган ҳаётини ҳақиқатга муаллифнинг муносабати ва унинг ғоявий йўналиш турларига қараб сатира, гротеск, буффонадага ажралади.

Юмор — лотинчада “намлик” маъносини англатади. Юмористик асарда турмушдаги ва айрим кишилардаги баъзи бир камчиликлар енгил танқид остига олинади. Бу асарда муаллиф танқид қилинаётган объектнинг йўқ бўлиб кетишини истамайди. Енгил кулгу — юмор орқали, унга ҳатто ачинади ва ундаги камчиликларнинг тузалишини истади. Шуниси билан юмор сатирадан фарқ қилади. Юксак савиядаги юмор баъзан аччиқ кинояга, Н.В.Гогол сўзи билан айтганда, “кўз ёши аралаш кулги”га айланиб кетади. Унинг “Ревизор” асаридаги персонажлар, сатирик тарзда, нафрат ва ғазаб билан тасвирланган. Шаҳар ҳокими — Сквозник-Дмухановский образи, унинг амалдорларидаги шуҳратпарастлик, порахўрлик, худбинлик қайғули сатирик юмор билан тасвирланган. Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” комедияси ҳам юмористик драматургиянинг ёрқин намунаси бўла олади. Юқорида келтирилган драматургия турлари баъзи элементларини ўзида уйғунлаштирган ва уларнинг оралиғида турган жанр — драмадир.

Драма — юнончада “ҳаракат қилмоқ” маъносини англатади. Драматик асарларда мураккаб ва жиддий конфликтлар асар иштирокчиларининг қизғин кураши жараёнида тасвирланади. Унда персонажлар ижобий ва салбий сифатларга ажралади. Бош қаҳрамон илгари сураётган ғоя халқ орасида афоризм даражасига кўтарилган фикрларда изоҳланган. Масалан, Ҳамзанинг

“Бой ила хизматчи”, ёки Горкийнинг “Тубанликда” драмаларида ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг шиддатли кураши ёрқин акс эттирилган. Трагедия ва комедиялардагидек драма жанри ҳам ўз навбатида ифода этилаётган ҳаётий ҳақиқатнинг мазмунига, маъносига, муаллиф мақсадига қараб бир неча турга бўлинади. Улар — сиёсий-ижтимоий, лирик, маиший, тарихий, психологик, ҳужжатли драмалардир.

Лекин режиссёр ор талқинида пьесаларнинг бундай уч асосий жанрга бўлинишига баъзан ўзгартириш киритади, бунга “Гамлет”ни комедия, “Чайка”ни драма жанрида саҳналаштириши мисол бўла олади. Масалан, А.Н.Островский ўзининг кўпгина пьесаларини “комедия” деб номлайди. Унинг пьесаларига софдиллик ва соддалик ярашади, аммо “Қутурган пуллар” асарини “психологик драма” жанрида талқин қилиш мумкин.

Ҳозирги замон режиссёрлари ҳаётнинг айнан ўзини ифодалаш жараёнида юқоридаги классик уч жанр бўлинишига бўйсунмайдилар. Чунки, уларнинг спектакларида уччала жанрнинг элементлари иштирок этади. Бироқ бу деган сўз, томоша жанрсиз, бадий бўёқсиз бўлиши мумкин дегани эмас. Бундай ҳолларда спектаклда қайси жанр бўёқлари асосий ўринни эгаллаши ва томоша ғоясини очишда фаол қатнашса, шу жанрга оид бадий шакл яратилади.

Спектаклнинг қиммати фақат унинг ғояси ва мавзуси долзарблиги билан эмас, балки унинг қаҳрамонларини илғор ва типик характерларда, замон билан ҳамнафасликда намоён бўлиши ва ривожланишини кўрсата олиши билан белгиланади.

Режиссёр пьесани таҳлил қилар экан, муаллифнинг услубини, асар жанрини, композицион тузилишини, унда хатти-ҳаракат бажараётган қаҳрамонлар тақдирини, уларнинг тилини ва характерини пухта ўрганиши зарур. Пьесанинг бадий хусусиятларини ўрганиб, драматург ниятини томошабинга маъноли ва бадий ифодали тарзда етказиш режиссёрнинг асосий мақсади бўлиши лозим.

2.2. Режиссёрлик талқинини намоён этишда муаллиф услубини ўрганиш

Асарнинг бадий хусусиятини, жанрини аниқлагач, албатта, муаллифнинг услубини ҳам ўрганиш лозим. Муаллифнинг услубини аниқлаш — персонажлар характерлари ўзига хослигини ва фақат асарга хос бўёқларни аниқлашдир. Услуб кенг маънода ёзувчи ижодидаги ғоявий бадий хусусиятлар бирлиги, тор маънода ифода усулининг бадий баёнидир. Кенг маънода услуб тушунчаси — муаллифнинг дунёқараши, асарнинг асосий

маъносини ташкил этувчи воқеалар оқимининг, сюжет ва характерлар бадиий тасвирини тил ва бошқа омилларни камраб олади. Масалан, Абдулла Қаҳҳор услуби ҳақида гапирганда, муаллиф асарларининг ўткир ғоявийлик билан суғорилганлиги, замон воқеаларига нисбатан ҳозиржавоблиги, драматургияга дадиллик билан янги мавзу ва образлар олиб кирганлиги, тилининг бойлиги ҳамда сўзни заргарона қўллаши назарда тутилади. Бу хусусиятлар ижодкорнинг ўзига хос услубини кўрсатади.

Драматург услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ғояни англаш ва ифодалаш даражаси, ҳаётий воқеаларни тасвирлаш методи, даврнинг шарт-шароитларини баҳолаш маҳорати билан белгиланади.

Демак, драматургнинг ўзига хос хусусиятлари — ҳаётга муносабати, воқеани ғоявий-бадиий ифодалаш маҳорати — услуб деб юритилади. Ижодкор услуби ҳар доим замоннинг ғоявий-бадиий таъсири остида вужудга келади ва шаклланади. Муаллифнинг дунёқараши, ижтимоий позицияси, ғоявий қизиқишлари, бадиий ифодалаш маҳорати ҳаммаси унинг услубини белгилайди. Булар спектаклнинг мазмунини ва ўзига хос ифодаланган ғоя шаклини бадиий ифодалашга ёрдам беради.

Жумладан, К.Яшин, А.Қаҳҳор, И.Султон, Ш.Бошбеков, С.Аҳмад, Э.Хушвақтов каби драматурглар ўз бадиий услуби — “дастхати” билан яққол ажралиб туради. Ҳаётий материални танлаш, сюжет тузиш, композиция, жанр, тил ва образларни ўзига хос талқин этиш ҳар бир драматургнинг бадиий услубини белгилайди. Шунинг учун режиссёр муаллиф услубини, унинг ўзига хос характерли хусусиятларини таҳлилий аниқлай олади, олинган пьесани ипидан игнасиғача ўзлаштиришни заруратга айлантиради ва бу спектакл режасини тузишга асос бўлади.

Режиссёрнинг спектакл устида ишлаш жараёни кўп поғонали, бадиий мураккаб ижодий босқич бўлиб, “қайта жонлантириш”, қоғоздаги фикрларни тирик инсонлар ва бадиий тасвирий воситалар тилига кўчириш маҳоратидир. Мукамал пьеса бўлғуси спектаклнинг асоси бўлиб, унинг ғоявий-бадиий қиммати режиссуранинг ва бадиий жамоа меҳнатининг муваффақияти гаровидир. Шунинг учун режиссёр энг аввал сахналаштириш учун пьеса танлашда адашмаслиги, ўзи раҳбар бўлган бадиий жамоанинг ижодий кучини, асарнинг бадиий имкониятларини ҳисобга олиши керак. Иккинчи томондан эса, танланган мавзу долзарблигини, ғоявий ўткирлигини, композицион мустаҳкамлигини, тилининг ифодавий ва равонлигини, жанрининг аниқлигини, муаллиф услубининг ёрқинлигини яхши ўзлаштириши талаб қилинади.

Режиссура санъатида пьесани ўзига мослаб ёки бутунлай тескари талқин этилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шунинг учун режиссёрнинг талқин қудрати уч

босқичли — жамоани муаллиф ғоясига кўтариш, ижодкорларни асар ғояси даражасига олиб чиқиш ёки барчани “ўзи” даражасига олиб тушиш жараёнидан иборат. Учинчиси ижодий жамоа учун фожедир.

Режиссура санъати спектаклнинг умумий элементларини бирлаштириш маҳоратидир. Намунали драматургия ўз персонажлари орқали умумийликни очади, индивидуаллик орқали типикликни кўрсатади ва инсон шахсини ҳар қандай маънавий, жисмоний ва рухий қулликдан озод қилишни орзу қилади. Шунингдек, мукамал режиссёр ҳам ҳар бир спектаклида “инсон” сўзи мағрур жаранглашини истайди.

Маълумки, ҳар қандай билиш уч босқичли жараёндир. У жонли кузатишлардан пайдо бўлган аниқ масалани “сезиб”, қабул қилишдан бошланади. Кейин эътиборга олинган масалани “тушуниш”, сўнгра уни умумлаштириш жараёнига ўтилади. Спектакл саҳналаштирмоқчи бўлган режиссёрнинг биринчи вазифаси аниқ масала юзасидан пайдо бўлган таассуротларини “йиғишдир”. Бошқача айтганда, “Отелло”ни саҳналаштираётган режиссёр — рашк туйғусини, ҳозирги замон кишиларидаги соф туйғуларни булғашга ўчликни, севгисини йўқотиб кўйишдан кўрқиш каби хислатларни кузатиши зарур. Шунингдек, тарихий ҳужжатлар, эсдаликлар, ўша даврга тааллуқли публицистик ва бадиий адабиётлар, тасвирий санъат, мусиқа, фотография материаллари, иллюстратив, иконографик ҳайкаллар, хуллас, пьесада тасвирланган шарт-шароит муҳрланган асосларни ўрганиши зарур. Ифодаланган даврдаги кишиларнинг хулқ-атворларини, қонун-қоидаларни, дидларини, характер ва одатларини, дунёқараш ва маданиятларини, улар нимани истеъмол қилишган ва қандай кийинишган, уларнинг юриш-туришлари қандай, яшаш учун жой қуриш ва жиҳозлари ҳамда бошқа зарурат учун керак бўладиган нарсаларни ҳам ўрганилиши талаб қилинади.

Вахтангов айтганидек — актёр образ ҳаётига тегишли нарсаларни худди онасини билгандек, яхши билиши керак. Режиссёр ҳам саҳнада гавдалантирмоқчи бўлган томошани аниқ, равшан тасаввур қилиши зарур.

Хулоса шуки, режиссёр учун драматург томонидан берилган муҳим воқеанинг асосий моҳиятидан келиб чиқадиган спектаклнинг ғоясини тўғри аниқлаш бош масаладир. Ғоянинг аниқланиши билан муҳим бир иш жараёни ниҳоясига етади. Энди режиссёр пьеса муаллифи билан бир ҳуқуққа эга бўлган ҳамкорлик даражасида, умумий мақсад ва вазифа учун биргаликда курашмоғи, аниқроғи ёзма асарни жонлантириш каби муҳим ижодий ишга киришмоғи мумкин.

Мавзу, ғоя, жанр, услуб, композиция, конфликт аниқлангач, томошанинг қалби бўлган фабулани, асар ғоясини очиш учун муаллиф териб

олган ва онгли равишда қуриб чиққан воқеалар оқимини ўрганиш ва ўзлаштирилиши заруратга айланади.

Бадиий услубнинг асосий шакли сифатида якка услуб ва муаллиф услуби кўпроқ ўрин эгаллаб бормоқда.

Муаллифнинг ҳар бир асари режиссёр талқинига боғлиқ. Режиссёр ҳам спектакль муаллифи ҳисобланади. Қоғоздаги сўзларга жон ато қилган, унга умр берган, ўз закоси билан жонли сахна асарини ижодий жамоа билан яратган режиссёр ҳисобланади. Режиссёр ва муаллиф бирлиги маслакдошлиги катта рол ўйнайди. Режиссёр дарди драматург дарди билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Станиславскийнинг Чехов ва Горкий билан яқинлиги, Маннон Уйғурнинг Ҳамза билан маслакдошлиги, Тошхўжа Хўжаевнинг Ойбек, Эркин Воҳидов билан ҳамкорлиги, Баҳодир Йўлдошевнинг Саид Аҳмад билан, Рустам Ҳамидовнинг Ўлмас Умарбеков билан изланишидан ажойиб сахна асарлари яратилди. Баъзи режиссёрлар муаллиф танламайди, дуч келган асарни сахналаштиради. Бундай режиссёрлар ижодни касбга алмаштирган, у асардан бу асарга ўзини такрорлайдиган хунарманд режиссёрлардир. Айримларга воқеа қаерда кечади, қачон кечади, тарихийми, замонавийми фарқи йўқ, ўз услуби тайёр қолипи бор, сахналаштираверади. Бу ўз навбатида томошабин қалбини жиз эттирмайди, ларзага солмайди, ҳафсаласи пир бўлиб театрни тарк этади. Қарс икки кўлдан деганидай драматург ўйлаб топган мавзу, матн, қоғоздаги қиёфалар режиссёр сайи-ҳаракати туфайлигина жонланади, ҳаётий ҳақиқатга айланади, томошабин ларзага тушади, маънавий камол топади. Театр санъати- шартли санъат. Сахнага ҳақиқий дарахтни, паҳса деворни олиб чиқиб бўлмайди. Томошабин чизилган жиҳозларни, ясама реквизитларни тушунади, ҳамма гап ижрода, унинг ишонарли жонли ва ҳаётий чиқишида, талқинида. Томошабин театрга нега тушади? Актёрнинг жонли ижроси, уни юзма-юз туриб томоша қилиш, ҳар гал янги ҳолат, янгича рух, ҳарорат ўзига жалб қилаверади. Қиёфалар турланиши, воқеалар ривожи, ижрочиларнинг ҳар сафар ролга ўзини бахшида қилиши томошабинни ўз домига тортаверади. Театрнинг жозибаси ҳам шунда. Баъзилар телевидение пайдо бўлгандан кейин театр ўлади деб башорат қилган эдилар, йўқ театр ўз жонли меҳригиёси - ижроси билан абадий санъат эканлигини исбот қилди. Кино ва

телевидениенинг равнақига қарамай кейинги йилларда томошабин театрга яна оқиб кела бошлади.

Тўғри, театр санъати асрлар давомида кутининг ичида қолиб кетаверди, янги техник имкониятлар яратилмади. Энди-энди театр томошалари очиқ майдонга чиқа бошлади. Бу эса ўз навбатида режиссёрларга янги имкониятлар яратди. Тўрт деворнинг ичида қолган театр санъати, янги кино санъатининг

пайдо бўлишига олиб келди. Драматург ва режиссёр театрда қила олмаган ижод маҳсулини кино санъатида амалга оширди. Кинода воқеалар кўламининг кенглиги, вақт чексизлиги сценарист учун ҳам режиссёр учун ҳам катта шароитларни туғдирди.

Театрдаги режиссёр билан драматург ҳамкорлиги кино санъатида режиссёр ва сценарий муаллифи ҳамкорлигига айланди. Театрдаги каби кинода ҳам режиссёр фильм муаллифи ҳисобланади. Кинодраматург ўйлаб топган воқеаларни жонлантирадиган, уни кўримли томошага айлантирадиган шахс бу кино режиссёрдир. Театр санъатини синтетик санъат дедик. Кино ҳам театр каби синтетик санъат ҳисобланади. Театрдаги актёр, рассом, бастакор, чироқчи, либосчи, пардозчи, реквизитлар туфайли спектакль бунёдга келса, кинода бундан ҳам мураккаброқ уларга қўшимча тасвирчи- оператор, ассистент, овоз оператори, монтажчи, лаблаштирувчи ва бошқа қатор техник ходимлар туфайли фильм вужудга келади. Ёз демай, қиш демай, кеч демай, кундуз демай машаққатли меҳнат, жуда катта ижодий жамоанинг бирлиги сабабли кинофильм дунёга келади, томошабин юзини кўради. “Тоҳир ва Зухра”, “Алишер Навоий”, “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Ўтган кунлар”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмлар мана шундай машаққатлар эвазига бунёд этилди. Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Малик Қаюмов, Шухрат Аббосов кино санъатимизнинг дарға режиссёрлари ҳисобланади. Бу режиссёрлар кино санъатининг қонуниятлари, сир-асрорларини яхши билганликлари учун, кинодраматурглар билан ҳаммаслак бўлиб ишлаганликлари учун ана шундай жаҳонга машҳур фильмлар яратдилар. Неча йиллар ўтса ҳам бу фильмларни

қайта-қайта кўргинг келаверади. Кино санъатининг ажойиб хислати ҳам мана шунда. У лентага муҳрланган. Тасмада сақланаяпти. Уни такрор ва такрор кўра оламиз. Театр санъатининг фожиаси шундаки, уни ҳар куни муҳрлаб бўлмайди, ҳар кунги жонли ижрони сақлаб қололмаймиз. Бир марта муҳрландими, тасмага туширилдими, шу қолади. Ҳозирги электрон техника тараққиётини афсуски ўтган аср ўрталаридаги буюк санъаткорлар кўра олишмади. Маннон Уйғур, Мария Кузнетсова, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидотовларнинг юксак даражада яратган жонли қиёфа ва спектакллари сақланиб қолмади, айрим хроникадаги лавҳалар, урвоқ кадрларгина хотира сифатида қолди. Театрдаги машҳур спектакллар айрим суратлар орқалигина кўз олдимизда гавдаланади, режиссёр ва драматург ҳамкорлигини тасаввур қиламиз.

Оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши, электрон техниканинг кескин ривожини театрда ҳам, кинога ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Режиссёр ва

драматург ҳамкорлигининг янги қирралари очилди. Авваллари театр ва кино санъатида амалга ошмаган мўъжаз фильмлар, кичик новеллалар, узундан- узоқ сериаллар, хужжатли экран асарлари, публицистик жанрлар, фильм портретлар, кундалик информацион кўрсатувлар XX аср мўъжизаси телевидение туфайли дунёга келди ва ривож топди. Телевидение ва радио кирмаган хонадон қолмади.

Режиссёрнинг бадиий асар устида ишлаши

Буюк ёзувчилар буюк режиссёр бўлади, дер эди устозим. Дарҳақиқат Шекспир ҳам, Балзак ҳам, Лев Толстой ҳам, Абдулла Қодирий ҳам буюк режиссёрлардир. Уларнинг ҳар бир сатри, ҳар бир сахнаси, сўзи замирида ётган фикрлар режиссёр учун катта бир маънавий озуқа, сахналаштиришнинг улкан имкониятларини яратиб беради, тасаввурингизда, кўз олдингизда ўз-ўзидан воқеалар тизмаси жонланиб намоён бўлаверади. Сиз уни муаллиф услубини, олдига қўйган мақсад, ниятларини бузмаган ҳолда рўёбга чиқарсангиз бас, шунинг ўзи етади. Тўғри, режиссёр ижодкор шахс сифатида ўзининг “мен”и, муаллифга муносабати, даврга ҳамоҳанглиги, аввал

очилмаган қирраларни асардан топиши, янги ёндашувни замондошга изҳор қилиши, уни ларзага келтириши лозим. Аммо кўпинча режиссёрлар ўзини намоён қилиб, “мен”и бўртиб, муаллифнинг фикри-зикри иккинчи даражали бўлиб қолаётган ҳоллари учраб турибди. Мен мумтоз асарларга ҳар гал янгича ифода топиб янги талқинда томошабинга ҳавола этилган спектаклларни кўриб, ҳайратга тушганман. “Ревизор”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қутлуғ қон”, “Келинлар қўзғолони”, “Қиёмат қарз” шулар жумласидандир. Асарларни сахналаштиришда режиссёр ёзувчининг бирон сўзини ўзгартирмай янги қатлам фикрларни топа билган. Талқинда гап кўп. Режиссёр бир асарни ҳар аснода кўриши, ўзига керакли дурни топиб олиши мумкин. Иккинчи жаҳон урушида Александр Корнейчукнинг “Фронт” асари сахналаштирилган. Асар қахрамонлари, совет зобитлари ва аскарлари немисга қарши курашади. “Совет”да қўйилган бу асар ватанпарварлик руҳида тайёрланиб душманга нафрат уйғотган. Айнан шу асарни Германияда сахналаштирилиб биронта сўзини ўзгартирмасдан кўрсатишган. Натижада немис зобитлари ақлли, идрокли, совет зобитлари аҳмоқ, лақма сифатида намойиш қилинган. Фарқ услубда, ижро оҳангида, талқинда. Демак, асарнинг қўйилишида гап кўп экан. Режиссёр қандай қўйса, томошабинга қандай ҳавола қилса, шундай таассурот қолар экан. Драматург ёзади, муаллиф ҳам ўзи. Лекин сахналаштирилган асар – спектакль муаллифи режиссёрдир. Қоғоздаги муаллиф дарди билан сахнада жонланган режиссёр дарди ҳамоҳанг бўлиб, уйғунлашиб кетса, маслак бир жойдан чиқса, асар муваффақияти, узоқ умр кўриши шундан бўлади.

Баҳром Раҳмоновнинг “Юрак сирлари” драмаси бўларди. Таниқли бўлмаган драматург, машҳур бўлмаган асар, шу асарга жон ато қилган, уни машҳур қилган режиссёр Тошхўжа Хўжаев бўлади. Ажойиб шоир Эркин Воҳидов “Олтин девор”нинг қораламасини театрга олиб келганида, унга ишлов берган, кўримли томошага айлантирган, ҳозирга қадар сахнадан тушмайдиган комедияни вужудга келтирган, шоирни драматург қилган - Тошхўжа Хўжаев бўлади. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” асарини

сахналаштираётганда, машқ жараёнида залда ўтирган Ойбек сахнадаги безак, ижро маҳоратини кўриб, ижод жараёнининг кетишига қараб неча бор режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг елкасига қоқиб қойил қолганини, тасаннолар айтганининг шоҳиди бўлганман. Драматург Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асари ёзилганида, қатор театрлар уни сахналаштирди. Бири комедия, бири фарс қилиб ижро этди. Лекин кулгу тагида ижтимоий фожиа ётганлигини режиссёр Олимжон Салимов илғади. Бир куни Шароф Бошбеков “Маҳкам ака, асаримни Фарғонада Олимжон Салимов кўнглимдагидай сахналаштирибди”, деб тан олди. Муаллиф дарди, режиссёр дарди бир ердан чиқди. Қарс икки кўлдан деганидай, драматургнинг қочиримларини, кулгу тагида йиғи борлигини режиссёр англай билган ва уни мохирона ижрода рўёбга чиқарган.

Пьеса бирламчи, спектакль иккиламчи ҳисобланади. Атайин сахнага ёзилган асарлар бор: драма, комедия, трагедия, опера, оперетта, мусикали драма ва ҳоказолар. Сахнага мослаштирилган (адаптация) асарлар ҳам бор: роман, қисса, новелла инсценировкалари.

Бадий асар устида ишлаганда режиссёр биринчи ҳолатда асар мавзуси, ғояси, шу кун учун долзарблилиги устида бош қотириши, томошабинга қандай маънавий озуқа бериши ҳақида ўйлаши керак.

Биз биламиз, барча бадий асар - тўқима, ёзувчи, драматург хаёлотида ўйлаб топилган ҳаётини лавҳалар. Бу бадий тўқималар ростга айланиши керак. Бу ўз йўлида муаллиф маҳоратига боғлиқ. Муаллиф гоҳ тарихий, гоҳ ижтимоий, гоҳ маиший мавзуга мурожаат қилар экан, инсоний муаммоларни рост, ишонарли қилиб драматургия қонунларига мослаб ёзмоғи керак.

Буюк шоир А.С.Пушкин “тўқималаримдан ўз ашқимга чулғанаман”, - деб ёзади. Тўқиманинг ростлиги шоирни ларзага солади. Ёзувчи шу бугунги муаммолар ечимини бошқа даврлардан қидиради, мурожаат қилади. Шекспир Англияда содир бўлаётган қусурларга жавобни бошқа асрдан, ўтган замонлардан топади. Абдулла Қодирий ҳам шундай мавзунини ўтган

замонлардан бошлайди. Бадий тўқима ёзувчи иқтидорига, хаёлот дунёсига боғлиқ. Бу санъатга хос бўлган хусусиятдир.

Умуминсоний абадий мавзулар, муаммолар бор: муҳаббат, нафрат, ўлим, ҳасад, рашк кабилар ҳеч қачон ўлмайдди. Инсоний хислатлар, эзгулик ва ёвузлик, итоат ва такаббурлик, меҳр ва шафқатсизлик, донолик ва нодонлик, сахийлик ва хасислик, инсоннинг барча хис-ғуйғулари асарларда ўз ифодасини топсин. Ўткинчи, кундалик мавзулар бор: улар шароитдан, вазиятдан келиб чиқиб ёзилган тезпишар асарлар. Булар тез эскиради ва назардан тушиб қолади.

Яқин ўтмишда ёзилган ва ўша даврни улуғлаган кўпгина сахна асарлари ҳозир кераксиз бўлиб қолди. Режиссёр асар танлар экан, мана шу нарсаларга эътибор бериши керак. Бундан ташқари ҳар бир ёзувчининг ўзига хос хусусиятлари, ёзиш услублари мавжуд. Масалан, Ойбекни Абдулла Қаҳҳордан, Абдулла Қодирийни Тоғай Муроддан тили, услуби, тасвир ифодалари, қиёфалари билан бемалол ажрим қилиш мумкин. Режиссёр ёзувчининг нимага қодир эканлигини, ўзига хослиги нимадалигини, қайси жиҳатлари билан ажралиб туришини аниқлаб олиш лозим. Демак ёзувчи - драматург қахрамонлар нимани гапираётганини ёзади, режиссёр қандай гапираётганини очиб беради. Баъзан драматург режиссёрга ёрдам бўлсин учун воқеа содир бўлаётган жойларни ипидан игнасиғача лўқмаларда (реплика) тафсилотини беради. Баъзан ёзувчи режиссёрнинг ўзига талқинни ҳавола қилади. Муаллиф руҳиятини, унга яширинган муддаони режиссёр илғаши, топиши керак бўлади.

А.П.Чехов, М.Горкий ўз пьесаларини комедия деб ёзади. Аслида унинг замирида драматик ҳолатлар, фожиалар ётган бўлади. Режиссёр муаллиф ижодини, дунёқарашини, унинг кайфиятини, услубиятини чуқур ўрганган, асарни сахналаштирганга қадар ўзига хослик томонларини яққол англаган бўлади. Баъзан битта мавзунини бир неча муаллиф ўз ижодида қаламга олади. Масалан, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Саббаъи сайёр”, “Садди Искандарий” ва ҳоказолар. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий нега бу

мавзуларга кўл урган, версиялар турлича, ёндашувлардаги тафовут нимада? Бошқа манбалардаги фарқ ва охир-оқибат режиссёр бу асарни сахналаштиришдан мақсад шахс сифатида нима демокчи, қандай янги гап айтмоқчи, мана шу ҳолатлар режада ўз ифодасини топсин. Пьеса адабий маҳсул, уни ўқиш мумкин. Режиссёр унга ҳаёт бағишлайди, мураккаб ижодий жараённи бошдан кечиради. Сахнада санъат маҳсулини, томошабинга мўлжалланган жонли маҳсулни рўёбга чиқаради. Бу маҳсул – спектакль томошабин виждонини ғулғулага солсин, қалбини жунбушга келтирсин.

Шу ўринда адабий маҳсулнинг сифати, кўтарган юки, берадиган маънавий озукаси ҳақида режиссёр муносабатини ўйлаб кўрсак. Сўнги

вақтларда сахнани, киноэкранны, телевизион эфирни ўта жўн, саёз, бир кўримли “асар”лар тўлдириб кетди. Театрга, кинога кирган, телевизорни томоша қилган томошабиннинг ҳафсаласи пир бўлаяпти. Бу нима? Ҳақиқий санъатга бўлган талабнинг сусайишими? Томошабин диди ўтмаслашганими? Юксак санъат намуналари қаерда қолди? Бир домлам “сарёғ турган жойда маргаринни еб нима қиламиз” , деган эди. Юксак адабий асарлар, ҳақиқий ижод намуналари турган жойда биз ўртамиёна, томошабинга ҳеч нарса бермайдиган “асар”ларни сахналаштириб, экранлаштириб, эфирга узатиб нима қиламиз. Менимча ҳақиқий режиссёр бадиий асар танлашда, унинг устида ишлашда мана шунга эътибор бериши керак. Агар санъатнинг бурчи юксак савияли баркамол инсонни тарбиялаш бўлса режиссёр келгуси авлод олдида, унинг дунёқараши, савияси олдида ўта масъул эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

2.3. Энг долзарбига урғу бериш услуги. Тўзри талқин томошабин учун зоявий даъват сифатида

Муаллифнинг ҳар бир асари режиссёр талқинига боғлиқ. Режиссёр ҳам спектакл муаллифи ҳисобланади. Қоғоздаги сўзларга жон ато қилган, унга умр берган, ўз закоси билан жонли сахна асарини ижодий жамоа билан яратган режиссёр ҳисобланади. Режиссёр ва муаллиф бирлиги маслакдошлиги катта рол ўйнайди. Режиссёр дарди драматург дарди билан ҳамоҳанг бўлиши керак. Станиславскийнинг Чехов ва Горький билан яқинлиги, Маннон Уйғурнинг Ҳамза билан маслакдошлиги, Тошхўжа Хўжаевнинг Ойбек, Эркин Воҳидов билан ҳамкорлиги, Баҳодир Йўлдошевнинг Саид Аҳмад билан, Рустам Ҳамидовнинг Ўлмас Умарбеков билан изланишидан ажойиб сахна асарлари яратилди. Баъзи режиссёрлар муаллиф танламайди, дуч келган асарни сахналаштиради. Бундай режиссёрлар ижодни касбга алмаштирган, у асардан бу асарга ўзини такрорлайдиган хунарманд режиссёрлардир. Айримларга воқеа қаерда кечади, қачон кечади, тарихийми, замонавийми фарқи йўқ, ўз услуги тайёр қолипи бор, сахналаштираверади. Бу ўз навбатида томошабин қалбини жиз эттирмайди, ларзага солмайди, ҳафсаласи пир бўлиб театрни тарк этади. Қарс икки кўлдан деганидай драматург ўйлаб топган мавзу, матн, қоғоздаги қиёфалар режиссёр саъйи-ҳаракати туфайлигина жонланади, ҳаётий ҳақиқатга айланади, томошабин ларзага тушади, маънавий камол топади. Театр санъати- шартли санъат. Сахнага ҳақиқий дарахтни, паҳса деворни олиб чиқиб бўлмайди. Томошабин чизилган жиҳозларни, ясама реквизитларни тушунади, ҳамма гап ижрода, унинг ишонарли жонли ва ҳаётий чиқишида, талқинида. Томошабин театрға нега тушади? Актёрнинг жонли ижроси, уни

юзма-юз туриб томоша қилиш, ҳар гал янги ҳолат, янгича рух, ҳарорат ўзига жалб қилаверади. Қиёфалар турланиши, воқеалар ривож, ижрочиларнинг ҳар сафар ролга ўзини бахшида қилиши томошабинни ўз домига тортаверади. Театрнинг жозибаси ҳам шунда. Баъзилар телевидение пайдо бўлгандан кейин театр ўлади деб башорат қилган эдилар, йўқ театр ўз жонли меҳригиёси - ижроси билан абадий санъат эканлигини исбот қилди. Кино ва телевидениенинг равақига қарамай кейинги йилларда томошабин театрга яна оқиб кела бошлади.

Тўғри, театр санъати асрлар давомида қутининг ичида қолиб кетаверди, янги техник имкониятлар яратилмади. Энди-энди театр томошалари очик майдонга чиқа бошлади. Бу эса ўз навбатида режиссёрларга янги имкониятлар яратди. Тўрт деворнинг ичида қолган театр санъати, янги кино санъатининг пайдо бўлишига олиб келди. Драматург ва режиссёр театрда қила олмаган ижод маҳсулини кино санъатида амалга оширди. Кинода воқеалар кўламининг кенглиги, вақт чексизлиги сценарист учун ҳам режиссёр учун ҳам катта шароитларни туғдирди.

Театрдаги режиссёр билан драматург ҳамкорлиги кино санъатида режиссёр ва сценарий муаллифи ҳамкорлигига айланди. Театрдаги каби кинода ҳам режиссёр фильм муаллифи ҳисобланади. Кинодраматург ўйлаб топган воқеаларни жонлантирадиган, уни кўримли томошага айлантирадиган шахс бу кино режиссёрдир. Театр санъатини синтетик санъат дедик. Кино ҳам театр каби синтетик санъат ҳисобланади. Театрдаги актёр, рассом, бастакор, чироқчи, либосчи, пардозчи, реквизитлар туфайли спектакл бунёдга келса, кинода бундан ҳам мураккаброқ уларга кўшимча тасвирчи-оператор, ассистент, овоз оператори, монтажчи, лаблаштирувчи ва бошқа қатор техник ходимлар туфайли фильм вужудга келади. Ёз демай, қиш демай, кеч демай, кундуз демай машаққатли меҳнат, жуда катта ижодий жамоанинг бирлиги сабабли кинофильм дунёга келади, томошабин юзини кўради. “Тоҳир ва Зухра”, “Алишер Навоий”, “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Ўтган кунлар”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмлар мана шундай машаққатлар эвазига бунёд этилди. Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Йўлдош Аъзамов, Малик Қаюмов, Шухрат Аббосов кино санъатимизнинг дарға режиссёрлари ҳисобланади. Бу режиссёрлар кино санъатининг қонуниятлари, сир-асрорларини яхши билганликлари учун, кинодраматурглар билан ҳаммаслақ бўлиб ишлаганликлари учун ана шундай жаҳонга машҳур фильмлар яратдилар. Неча йиллар ўтса ҳам бу фильмларни қайта-қайта кўргинг келаверади. Кино санъатининг ажойиб хислати ҳам мана шунда. У лентага муҳрланган. Тасмада сақланыпти. Уни такрор ва такрор кўра оламиз. Театр санъатининг фожиаси шундаки, уни ҳар куни муҳрлаб бўлмайди, ҳар кунги

жонли ижрони сақлаб қололмаймиз. Бир марта муҳрландими, тасмага туширилдими, шу қолади. Ҳозирги электрон техника тараққиётини афсуски ўтган аср ўрталаридаги буюк санъаткорлар кўра олишмади. Маннон Уйғур, Мария Кузнецова, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидотовларнинг юксак даражада яратган жонли қиёфа ва спектакллари сақланиб қолмади, айрим хроникадаги лавҳалар, урвоқ кадрларгина хотира сифатида қолди. Театрдаги машҳур спектакллар айрим суратлар орқалигина кўз олдимизда гавдаланади, режиссёр ва драматург ҳамкорлигини тасаввур қиламиз.

Оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши, электрон техниканинг кескин ривожини театрда ҳам, кинога ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Режиссёр ва драматург ҳамкорлигининг янги қирралари очилди. Авваллари театр ва кино санъатида амалга ошмаган мўъжаз фильмлар, кичик новеллалар, узундан- узоқ сериаллар, хужжатли экран асарлари, публицистик жанрлар, фильм портретлар, кундалик информацион кўрсатувлар XX аср мўъжизаси телевидение туфайли дунёга келди ва ривож топди. Телевидение ва радио кирмаган хонадон қолмади.

Буюк ёзувчилар буюк режиссёр бўлади, дер эди устозим. Дарҳақиқат Шекспир ҳам, Бальзак ҳам, Лев Толстой ҳам, Абдулла Қодирий ҳам буюк режиссёрлардир. Уларнинг ҳар бир сатри, ҳар бир сахнаси, сўзи замирида ётган фикрлар режиссёр учун катта бир маънавий озуқа, сахналаштиришнинг улкан имкониятларини яратиб беради, тасаввурингизда, кўз олдингизда ўз-ўзидан воқеалар тизмаси жонланиб намоён бўлаверади. Сиз уни муаллиф услубини, олдига қўйган мақсад, ниятларини бузмаган ҳолда рўёбга чиқарсангиз бас, шунинг ўзи етади. Тўғри, режиссёр ижодкор шахс сифатида ўзининг “мен”и, муаллифга муносабати, даврга ҳамоҳанглиги, аввал очилмаган қирраларни асардан топиши, янги ёндашувни замондошга изҳор қилиши, уни ларзага келтириши лозим. Аммо кўпинча режиссёрлар ўзини намоён қилиб, “мен”и бўртиб, муаллифнинг фикри-зикри иккинчи даражали бўлиб қолаётган ҳоллари учраб турибди. Мен мумтоз асарларга ҳар гал янгича ифода топиб янги талқинда томошабинга ҳавола этилган спектаклларни кўриб, ҳайратга тушганман. “Ревизор”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Қутлуғ қон”, “Келинлар кўзғолони”, “Қиёмат қарз” шулар жумласидандир. Асарларни сахналаштиришда режиссёр ёзувчининг бирон сўзини ўзгартирмай янги катлам фикрларни топа билган. Талқинда гап кўп. Режиссёр бир асарни ҳар аснода кўриши, ўзига керакли дурни топиб олиши мумкин. Иккинчи жаҳон урушида Александр Корнейчукнинг “Фронт” асари сахналаштирилган. Асар қаҳрамонлари, совет зобитлари ва аскарлари немисга қарши курашади. “Совет”да қўйилган бу асар ватанпарварлик руҳида тайёрланиб душманга нафрат уйғотган. Айнан шу асарни Германияда сахналаштирилиб биронта

сўзини ўзгартирмасдан кўрсатишган. Натижада немис зобитлари ақлли, идрокли, совет зобитлари аҳмоқ, лакма сифатида намоиш қилинган. Фарқ услубда, ижро оҳангида, талқинда. Демак, асарнинг қўйилишида гап кўп экан. Режиссёр қандай қўйса, томошабинга қандай ҳавола қилса, шундай таассурот қолар экан. Драматург ёзади, муаллиф ҳам ўзи. Лекин сахналаштирилган асар – спектакл муаллифи режиссёрдир. Қоғоздаги муаллиф дарди билан сахнада жонланган режиссёр дарди ҳамоҳанг бўлиб, уйғунлашиб кетса, маслак бир жойдан чиқса, асар муваффақияти, узоқ умр кўриши шундан бўлади.

Баҳром Раҳмоновнинг “Юрак сирлари” драмаси бўларди. Таниқли бўлмаган драматург, машҳур бўлмаган асар, шу асарга жон ато қилган, уни машҳур қилган режиссёр Тошхўжа Хўжаев бўлади. Ажойиб шоир Эркин Воҳидов “Олтин девор”нинг қораламасини театрга олиб келганида, унга ишлов берган, кўримли томошага айлантирган, ҳозирга қадар сахнадан тушмайдиган комедияни вужудга келтирган, шоирни драматург қилган - Тошхўжа Хўжаев бўлади. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” асарини сахналаштираётганда, машқ жараёнида залда ўтирган Ойбек сахнадаги безак, ижро маҳоратини кўриб, ижод жараёнининг кетишига қараб неча бор режиссёр Тошхўжа Хўжаевнинг елкасига қоқиб қойил қолганини, тасаннолар айтганининг шоҳиди бўлганман. Драматург Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” асари ёзилганида, қатор театрлар уни сахналаштирди. Бири комедия, бири фарс қилиб ижро этди. Лекин кулгу тагида ижтимоий фожиа ётганлигини режиссёр Олимжон Салимов илғади. Бир куни Шароф Бошбеков “Маҳкам ака, асаримни Фарғонада Олимжон Салимов кўнглимдагидай сахналаштирибди”, деб тан олди. Муаллиф дарди, режиссёр дарди бир ердан чиқди. Қарс икки кўлдан деганидай, драматургнинг қочиримларини, кулгу тагида йиғи борлигини режиссёр англай билган ва уни моҳирона ижрода рўёбга чиқарган.

Пьеса бирламчи, спектакл иккиламчи ҳисобланади. Атайин сахнага ёзилган асарлар бор: драма, комедия, трагедия, опера, оперетта, мусиқали драма ва ҳоказолар. Сахнага мослаштирилган (адаптация) асарлар ҳам бор: роман, қисса, новелла инсценировкалари.

Бадиий асар устида ишлаганда режиссёр биринчи ҳолатда асар мавзуси, ғояси, шу кун учун долзарблилиги устида бош қотириши, томошабинга қандай маънавий озуқа бериши ҳақида ўйлаши керак.

Биз биламиз, барча бадиий асар - тўқима, ёзувчи, драматург хаёлотига ўйлаб топилган ҳаётий лавҳалар. Бу бадиий тўқималар ростга айланиши керак. Бу ўз йўлида муаллиф маҳоратига боғлиқ. Муаллиф гоҳ тарихий, гоҳ ижтимоий, гоҳ маиший мавзуга мурожаат қилар экан, инсоний муаммоларни рост, ишонарли қилиб драматургия қонунларига мослаб ёзмоғи керак.

Буюк шоир А.С.Пушкин “тўқималаримдан ўз ашкимга чулғанаман”, - деб ёзади. Тўқиманинг ростлиги шоирни ларзага солади. Ёзувчи шу бугунги муаммолар ечимини бошқа даврлардан қидиради, мурожаат қилади. Шекспир Англияда содир бўлаётган қусурларга жавобни бошқа асрдан, ўтган замонлардан топади. Абдулла Қодирий ҳам шундай мавзуни ўтган замонлардан бошлайди. Бадиий тўқима ёзувчи иқтидорига, хаёлот дунёсига боғлиқ. Бу санъатга хос бўлган хусусиятдир.

Умуминсоний абадий мавзулар, муаммолар бор: муҳаббат, нафрат, ўлим, ҳасад, рашк кабилар ҳеч қачон ўлмайдди. Инсоний хислатлар, эзгулик ва ёвузлик, итоат ва такаббурлик, меҳр ва шафқатсизлик, донолик ва нодонлик, саҳийлик ва хасислик, инсоннинг барча хис-туйғулари асарларда ўз ифодасини топсин. Ўткинчи, кундалик мавзулар бор: улар шароитдан, вазиятдан келиб чиқиб ёзилган тезпишар асарлар. Булар тез эскиради ва назардан тушиб қолади.

Яқин ўтмишда ёзилган ва ўша даврни улуғлаган кўпгина саҳна асарлари ҳозир кераксиз бўлиб қолди. Режиссёр асар танлар экан, мана шу нарсаларга эътибор бериши керак. Бундан ташқари ҳар бир ёзувчининг ўзига хос хусусиятлари, ёзиш услублари мавжуд. Масалан, Ойбекни Абдулла Қаҳҳордан, Абдулла Қодирийни Тоғай Муроддан тили, услуби, тасвир ифодалари, киёфалари билан бемалол ажрим қилиш мумкин. Режиссёр ёзувчининг нимага қодир эканлигини, ўзига хослиги нимадалигини, қайси жиҳатлари билан ажралиб туришини аниқлаб олиш лозим. Демак ёзувчи - драматург қаҳрамонлар нимани гапирётганини ёзади, режиссёр қандай гапирётганини очиб беради. Баъзан драматург режиссёрга ёрдам бўлсин учун воқеа содир бўлаётган жойларни ипидан игнасиғача лўқмаларда (реплика) тафсилотини беради. Баъзан ёзувчи режиссёрнинг ўзига талқинни ҳавола қилади. Муаллиф руҳиятини, унга яширинган муддаони режиссёр илғаши, топиши керак бўлади.

А.П.Чехов, М.Горький ўз пьесаларини комедия деб ёзади. Аслида унинг замирида драматик ҳолатлар, фожиалар ётган бўлади. Режиссёр муаллиф ижодини, дунёқарашини, унинг кайфиятини, услубиятини чуқур ўрганган, асарни саҳналаштирганга қадар ўзига хослик томонларини яққол англаган бўлади. Баъзан битта мавзуни бир неча муаллиф ўз ижодида қаламга олади. Масалан, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Саббаъи сайёр”, “Садди Искандарий” ва ҳоказолар. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий нега бу мавзуларга қўл урган, версиялар турлича, ёндашувлардаги тафовут нимада? Бошқа манбалардаги фарқ ва охир-оқибат режиссёр бу асарни саҳналаштиришдан мақсад шахс сифатида нима демоқчи, қандай янги гап айтмоқчи, мана шу ҳолатлар режада ўз ифодасини топсин. Пьеса адабий

маҳсул, уни ўқиш мумкин. Режиссёр унга ҳаёт бағишлайди, мураккаб ижодий жараёни бошдан кечиради. Саҳнада санъат маҳсулини, томошабинга мўлжалланган жонли маҳсулни рўёбга чиқаради. Бу маҳсул – спектакл томошабин виждонини ғулғулага солсин, қалбини жунбушга келтирсин.

Шу ўринда адабий маҳсулнинг сифати, кўтарган юки, берадиган маънавий озуқаси ҳақида режиссёр муносабатини ўйлаб кўрсак. Сўнгги вақтларда саҳнани, киноэкрани, телевизион эфирни ўта жўн, саёз, бир кўримли “асар”лар тўлдириб кетди. Театрга, кинога кирган, телевизорни томоша қилган томошабиннинг ҳафсаласи пир бўлаяпти. Бу нима? Ҳақиқий санъатга бўлган талабнинг сусайишими? Томошабин диди ўтмаслашганими? Юксак санъат намуналари қаерда қолди? Бир домлам “сарёғ турган жойда маргаринни еб нима қиламиз” , деган эди. Юксак адабий асарлар, ҳақиқий ижод намуналари турган жойда биз ўртамиёна, томошабинга ҳеч нарса бермайдиган “асар”ларни саҳналаштириб, экранлаштириб, эфирга узатиб нима қиламиз. Менимча ҳақиқий режиссёр бадиий асар танлашда, унинг устида ишлашда мана шунга эътибор бериши керак. Агар санъатнинг бурчи юксак савияли баркамол инсонни тарбиялаш бўлса режиссёр келгуси авлод олдида, унинг дунёқараши, савияси олдида ўта масъул эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Назорат саволлари

1. Спектаклнинг жанри қандай аниқланади?
2. Режиссёр учун муаллиф услубини аниқлаш қандай аҳамиятга эга?
3. Трагедия жанрини ўзига хос хусусиятларни изоҳланг.
4. Комедия жанри қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
5. Драма нега афоризм даражасидаги фикрлар мажмуаси дейилади?
6. Жанр тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
7. Режиссёр ўз спектаклида жанр хусусиятларини ўзгартира оладими?
8. Мавзунинг долзарблиги қандай аниқланади?
9. Ғоянинг замонавийлиги нималарда акс этади?
10. Спектаклнинг асосини нега режиссёрлик талқини ҳал қилади?

Адабиётлар рўйхати

1. Арасту. Поэтика. Янги аср авлоди, 2016
2. Усмонов Р. Режиссура. Т.:Фан, 1997.
3. Салимов О. Касбим режиссёр. – Т: Фан, 1997
4. Азизов Т. Менинг режиссёрлик ишларим. – Т.: Консалт, 2008.
5. Исроилов Т. Режиссура. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1- Амалий машғулот. Замонавий режиссурага фан, техника ҳамда бадиий ривожланишнинг таъсири (2 соат).

Ишдан мақсад: замонавий режиссурага фан, техника ҳамда бадиий ривожланишнинг таъсирини тингловчиларга етказиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар томонидан кичик гуруҳларга бўлиниб, улар ҳар бир вазифа бўйича берилган саволлардан жавоб олиш жараёнида оғзаки таҳлил орқали шарҳлаб бериши лозим.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи талабаларни 4-гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниқлаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қилади.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг такдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Такдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қилади.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек талабалар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хулосалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди.

2-амалий машғулот. Режиссура тарихида наъмуна даражасида эътироф этилган талқинлар таҳлили (4 соат).

Ишдан мақсад: наъмуна даражасидаги спектаклларни танлаб олиш ва уларнинг таҳлилинини ўтказиш

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ “Режиссёр” сўзи мисолида синквейн ечадилар. Гуруҳлар ўз мулоҳазаларини ўқиб эшиттириб, оғзаки таҳлил орқали ўзаро фикр-мулоҳаза алмашади.

Ишни бажариш учун намуна

Синквейн

- ▶ _____ От (существительное или местоимение)
- ▶ _____ Сифат (прилагательные)
- ▶ _____ Феъл (глагол)
- ▶ _____ Ибора-гап (фраза)
- _____ Синоним ёки резюме

Мазкур метод назарий асосни мустаҳкамлаш, янги маълумотларни пухта ўзлаштириш мақсадларига хизмат қилади. Ушбу метод ёрдамида талабаларнинг ўқув материални ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, мавзу доирасида кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш имконияти кенгайди.

3-амалий машғулот. Режиссёрлик маҳоратини ўқитишга илғор хорижий тажрибалар тадбири (2 соат).

Ишдан мақсад: “режиссура” фанининг республикадаги ҳолати жаҳон тажрибаси билан муқояса қилиш асосида ўрганиш ва баҳолашдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: тингловчилар режиссура таълим тизимидаги ўрнини бевосита малакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳолда белгиланиши бўйича амалий кўникмаларини намойиш этадилар.

Ишни бажариш учун намуна

Соҳанинг SWOT таҳлили. Глобаллашув жараёнида ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболли режасини тадбир этиш. Тингловчилар гуруҳларга бўлиниб, “Режиссёрлик маҳоратини ўқитишга илғор хорижий тажрибалар тадбири” мавзусида SWOT таҳлилни амалга оширадилар. Гуруҳлар ўз чиқишларида ҳар бир пункт бўйича билдирилган фикрларни таҳлилий асослаб, илмий башаротларини ифода этадилар. Гуруҳларнинг муаммони аниқ кўрсатиши ва келажакни башорат қилишдаги таҳлилий ёндошувлари бошқа гуруҳлар томонидан баҳоланади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Ушбу методнинг таълим жараёнида қўлланиши муаммони турли ракурсларда кўриш, унинг ечимига доир атрофлича изланишлар олиб бориш кўникмасини шакллантиради. Натижада талабада мустақил фикрини билдириш, ўз қарашларини ҳимоя қилиш ва энг муҳими танқидий тафаккурини ривожлантириш имконияти пайдо бўлади. Бундан ташқари мазкур метод талабани жамоада ишлаш кўникмасини ривожлантириб, гуруҳда лидерларнинг кашф қилиш, пассивликдан активликка олиб чиқиш мақсадларини рағбатлантиради.

V. КЎЧМА МАШҒУЛОТ

V.КЎЧМА МАШҒУЛОТ

1-кўчма машғулот: Репертуарда режиссуранинг ҳамда театр жамоасининг бадиий имкониятларини намоён бўлиши (4 соат)

Тингловчилар гуруҳи билан Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбек Миллий академик драма театрига ташриф буюрадилар. Театрнинг ишлаш кундалиги, репетициялар жараёни, ишлаб чиқариш фаолияти билан танишилади. Дарсдан сўнг муайян спектакллар таҳлил қилинади ва театрнинг ўзига хослиги борасида фикр алмашинади.

“Режиссура — бу спектакл яратиш санъатидир.”, — дейди Станиславский. Ҳар қандай санъатнинг вазифаси эса бадиий образ яратишдир. Театр сахнасидаги бадиийлик драматик асар асосида келиб чиқади. Режиссёрнинг пьеса устида ишлаши, уни бадиий баркамол сахна асари даражасига етказа олиш қобилияти театр санъатида асосий омил ҳисобланади.

Спектакл яратиш жараёни — турли касб ва санъат вакиллари бўлган катта жамоанинг ҳамкорликдаги ижоди натижаси билан боғлиқ. Шунинг учун театр жамоасининг сиёсий ва бадиий кифоасини улар ҳамкорликда яратган репертуар белгилайди, деган ҳикмат бежиз эмас.

Театрларнинг репертуарларидаги мумтоз асарлар даставвал ижодий жамоани бадиий тарбиялашга хизмат қилади. Бунинг учун жамоа ўз репертуарлари асосига ҳар йили битта мумтоз асарни, профессионал театрларда сахналаштирилган ва синовлардан ўтган пьесаларни олишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жараёнда ижодкорлар жамоаси ва режиссёр ўғирланган шаклга, ҳунармандликка, тақлидчиликка йўл қўймаслиги керак.

Репертуар танлашда асосан қуйидаги принциплар талаб қилинади — бадиий сифати юксак, ғоявийлиги намунали, мавзуси долзарб, ҳаётий воқеалар тўғри ифодаланган, шунингдек, қарама-қаршиликларнинг кескинлиги, образларнинг типиклиги, характерларнинг пишиқлиги ва замон талабларига жавоб бера оладиган мавзу ва ғоянинг уйғунлиги сахна асарида ёрқин ифодаланган бўлиши зарур. Ундан ташқари ижобий қаҳрамонларнинг тасвирланиш маҳорати ҳамда салбий персонажларнинг эса қоладиган тубанлиги ҳисобга олинади.

Қаҳрамонлар характерининг мукамаллиги, улар фикрларининг тийраклиги, кўтариб чиқилган муаммоларнинг ўз даври талабларига ҳамоҳанглиги спектакл муваффақиятини белгилайди. Буюк театр назариётчилари ва танқидчилари, аввало, драматургиянинг бадиий шаклига, сахнавий имкониятларига, унинг томошабин олдидаги тарбиявий қудратига алоҳида эътибор берганлар.

Саҳна асарининг асосида — ҳаётий ҳақиқат ва унинг бадиий ифодаси бўлмас экан, шунингдек, ҳаёт қонунларига, инсон заковатининг интилишларига бўйсунмас экан бундай пьеса ижодий жамоани ҳафсаласизликка олиб келади. Шунинг учун улуғ драматургларнинг жаҳон саҳнасидан тушмай келаётган асарлари илғор театрлар репетуаридан жой олиб, режиссёрларнинг ҳаётий ҳақиқат принципларига ижодий ва бадиий ёндашишига асос бўлиб келмоқда.

Спектакл яратишда режиссёр ижодини тўлқинлантирувчи, саҳнавий режани барпо этувчи, аниқ ва ёрқин саҳналаштириш тизимини вужудга келишига сабабчи — пьесадири. “Режиссёр режасининг асоси пьесадаги мазмун ва ғоядир”, — деб ёзади улкан режиссёр, педагог ва олим А.Д.Попов. Режиссёрнинг олий мақсади эса спектаклнинг барча қисмлари мукамаллигига эришиш ва мантикий ечимга интилишдир. Гап шундаки, драматик асар тасвирлаши керак бўлган объект — ҳаётдир, яъни жонли, хатти-ҳаракатли, карама-қаршилиikka эга бўлган инсонлар ва жамият ҳаётидир. Ҳар қандай ҳаётий воқеа ҳам драматик асарга материал бўла олмайди. Лекин шундай ҳаётий воқеалар борки, улар драматик санъатга асос бўлади ва ёрқин шаклда намоён бўлади. В.Г.Белинский айтганидек — “бадиий асарнинг асоси — воқеа, драманики эса инсондир. Бадиий асарнинг қаҳрамони — ҳодиса, драманики эса — инсон шахсидир”.

Бундан хулоса шуки, драматик асарга — ички ҳиссий характер қувватига эга бўлган, хатти-ҳаракатга бой кишилар орасидаги кескин муносабатлар асос бўлиши мумкин.

VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-КЕЙС.

Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда —Таълим жараёни тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустақамланиши, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-атворининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

Саволлар:

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?
2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил) ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейси ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Мазмунига кўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, объект ва предметларга хос муҳим белгиларни ёритишга хизмат қилиши зарур.

2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани куйидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўникма, малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

2-КЕЙС

.Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун —беш баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мақтади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуққонлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

- Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай кўчага чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?
2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойилларига зид иш қилди?
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказади.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.
3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.
4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Ниҳоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизиқмади.
2. Дилшоднинг онаси тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.
3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказади, аста-секин унда кўрслик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

3-КЕЙС.

1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.


Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англатишини ёдга олинг.
2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чуқур ўрганинг.
3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.
4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.
5. Кўзгазма методи ёрдамида оила тарбиясининг талабалар маънавиятини юксалтиришдаги самарали шакл, метод ва воситалари асосида плакат ишланг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.
2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.
3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.
4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.
5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими
1-топшириқ бўйича



VII. ГЛОССАРИЙ

VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Актёрликка оид маҳорат фанлари	ташкилий ва бадий мақсадларга эришиш учун талабалар ва шу соҳанинг вакилларига бериладиган сабоқлар соҳага мўлжалланган дарслар ОТМ ёки ташкилотнинг қарори билан белгиланади.	an integrated management process which sees mutually satisfying exchange relationships with customers as the route to achieving organizational and artistic objectives
Режиссёрликнинг ўзига хос тенденциялари	Маълум бир кинофильм ёки спектаклни намойиши ёки тайёрланишига қаратилган сценарий асосида яратилаётган бадий асарни намойиш этишда зарур бўладиган қонун-қоидалар.	an economical and cultural relationship system of fine and applied arts, where artwork's supply and demand are formed, aesthetic price and material value are assessed
Режиссёр	Спектакл ёки кинофильм сахналаштиришга маъсул бошлиқ ёки раҳбар.	a process of buying and selling goods or services by offering them up for bid, taking bids, and then selling the item to the highest bidder.
Интерпретация	Киноасар ва спектаклни олиниш жараёнини тезлаштиришга хизмат қилувчи муҳим омил.	the variables, such as price, promotion, and service, managed by an organization to influence demand for a product or service
Кинокампания	Турли хилдаги кинофилмларни ишлаб чиқарувчи ва улар устидан бевосита назорат қилувчи давлатга қарашли ёки хусусий ташкилот.	it's not only organisation's successful operation in the past, but also a result of activity condition in the present and future
Саҳна декорацияси	Кино ёки спектаклни намойиш қилишга керак бўладиган қурилмалар мажмуасига айтилади.	feasible consumers, possible consumers
Антракт	Актёрларга фильм ёки спектаклни намойиш оралиғида дам олиш учун бериладиган танаффус.	the general impression that a person, organization, or product presents to the public
Сахналаштириш	Асарнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб унга муносиб актёрларни танлаб намойиш қилишга таёрланиш жараёни.	the establishment of objectives and the formulation, evaluation and selection of policies, strategies, tactics and actions required to achieve them

Афиша	конофильм ёки спектаклни намойиши намойиши қачон бўлиши тўғрисидаги томошабинларга хабар етказишни одатий усулига айланган қоғоз воситаси.	a strategy indicating the specific target markets and the types of competitive advantages that are to be developed and exploited
Фон	Кинофильмлар ёки спектакл тайёрланиш жараёнида сахна ва иншоатларга бериладиган тасвир ранги у кино нуфузи ва савиясини ҳам белгилайди.	a paid form of non-formal communication that is transmitted through mass media such as television, radio, newspapers, magazines, direct mail, public transport vehicles, outdoor displays and Internet
имидж	Сахнада роль ижро этаётган актёрнинг одатий соч турмаги ёки кийимлардан фойдаланиши.	a person or company that buys and sells works of art
Сюжет	Асарни кейинги сахна куринишлари билан боғлашга хизмат қилувчи бадиий сар унсурларидан бири	the practice of creating, promoting, or maintaining goodwill and a favourable image among the public towards an institution, public body
Роль	Актёрга бажарилиши керак бўлган ижро воситаси у сценарийда қандай бўлса шу тарзда амалга оширилиши лозим.	the giving out of information about a product, person, or company for advertising or promotional purposes
Продюссер	Фильм ёки спектаклни бошдан охиригача инвентарлар ва актёрларни моддий қўллаб-қуватловчи раҳбар.	a strongly felt aim, ambition, or calling

VIII. АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 2019. – 400 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 январда қабул қилинган “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги ЎРҚ-668-сонли Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 майдаги Оммавий ижрога мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳақини тўлаш тартиби тўғрисида низоми
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4584-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини

ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 ноябрь “Республикада айрим давлат театрлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 754-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 сентябрь “Томоша» болалар мусиқий театр-студияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 август “Кинематография соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 695-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июнь “Халқаро цирк санъати фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 535-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июнь “Ўзбекистон Республикасида кинотуризмни жадал ривожлантириш ва мамлакат кино жозибadorлигини кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 499-сонли Қарори

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 май “Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги ҳузуридаги халқаро фестиваллар дирекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 444-сонли Қарори

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Давлат театрлари ва концерт-томоша муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 329-сонли Қарори

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 апрелдаги “«Дийдор» ёшлар экспериментал театр-студияси» фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 266-сонли Қарори

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Фильмнинг оммавий намоёишини амалга ошириш учун бир марталик рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1012-сонли Қарори

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21

ноябрь “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 923-сонли Қарори

III. Махсус адабиётлар

27. Арасту. Поэтика. Янги аср авлоди, 2016
28. Усмонов Р. Режиссура. Т.:Фан, 1997.
29. Салимов О. Касбим режиссёр. – Т: Фан, 1997
30. Азизов Т. Менинг режиссёрлик ишларим. – Т.: Консалт, 2008.
31. Исроилов Т. Режиссура. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
32. Абдусаматов Ҳ. “Драма назарияси”. Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000 й.
33. Абдусаматов Ҳ. “Саҳна сардори”. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2003 й.
34. Александр Митта. Кинода режиссура ва драматургия.-Т.. 2014.
35. Андрей Ангелов. Практическая режиссура кино. –М.; Lennex Corp, 2018. -200 с.
36. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
37. Джуманов И. Бадиий сўз маҳорати.-Т., 2015.-157 б.
38. Зуфаров У. Саҳна талқини ва таҳлил.-Т.:Муסיқа, 2007.
39. Исмоилов А, Усмонов Ш, Исмоилов Д, “Саҳна ҳаракати ва жанги”. Т.: Наврўз, 2015.-265 б.
40. Маҳмудов Ж. Актёрлик маҳорати. ЎзДСМИ, 2005.
41. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи. Т.: Ижод дунёси, 2003.
42. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
43. Расулов С. Экран санъатида тасвирий ечим ва унинг асослари.-Т. ЎзДСМИ, 2008.-172 б.
44. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технология, 2012.
45. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси С.Мухамедов муҳаррирлигида. Т. Янги аср авлоди. 2010.
46. Туляходжаева М., Қозоқбоев Т. Драма назарияси.-Тошкент ЎзДСМИ, 2014.

47. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
48. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
49. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
50. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
51. Mitchell. H.Q. , Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
52. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183
53. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

IV. Интернет сайтлар

54. <http://edu.uz>
55. <http://lex.uz>
56. <http://bimm.uz>
57. <http://ziyonet.uz>
58. <http://www.dsmi.uz>.
59. <http://www.kino-teatr.ru>
60. <http://artyx.ru/>